

Ғ. М. Мадаминов

**Фазли илоҳий
G`M ELIKSIR маҳаллий
универсал дори воситаси ҳақида
қисқача маълумотлар**

Тошкент - 2023

Қуръонни эшитиш, эшита олиш - юксак маънавият, маърифатдир. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръони Каримни эшита олсак, эшиттира олсак, бу биз учун катта муваффақият бўлади, элимизга нур ёғилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М.Мирзиёев*

Халқимиз саломатлиги ҳамма нарсадан устун ва қадрли.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М.Мирзиёев*

2023-йил Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш ва сифатли таълим йили.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М.Мирзиёев*

Бешиқдан то қабргача илм изланг, ҳатто Хитойга бориб бўлса ҳам.

Ҳадиси Шарифдан

Кучук бирла хўтиқни қанча қилсанг тарбия,
Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмас асло одамий.

Одам борки одамларнинг нақшидур,
Одам борки андин ҳайвон яхшидур.

Одамий эрсанг, дема анинг ким одамий,
Анинг ким йўқ халқ ғамидин ғами.

Алишер Навоий

Қадримни машриқда хиндлардан сўранг,
Мағрибда асарим билгандан жоним.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Келажакда биз ҳаммамиз ўтиб исломга, ўлажакмиз исломда.

Вольфган Гёте

Кўплар донишманд деб билдилар ўзин,
Оллоҳнинг номидан очдилар сўзин.
Ҳеч бири билолмай азал сирларин,
Алжираб-валжираб юмдилар кўзин.

Ўзини доъно билган у уч-тўрт нодон,
Эшак табиатин қилар намоён.
Улар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,
Бўлмаса, сени кофир деб қилишар эълон.

Умар Ҳайём

Менинг қадримни халқ билса бўлди,
Халқ билмаса, балиқ билса бўлди,
Балиқ билмаса, Ҳалифа билса бўлди,
Ҳалифа билмаса, Ҳолик билса бўлди.

Ғулом Мадаминбек

Фазли илоҳий **G`M ELIKSIR** маҳаллий универсал дори воситаси Қуръони Карим оятларига мувофиқ тарзда дастурланган эканлиги тўғрисида қисқача далиллар

1.

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلٰئِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَنْ يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الدِّمَاءَ وَنَحْنُ نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾ وَعَلَّمَ آدَمَ الْأَسْمَاءَ كُلَّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمْ عَلَى الْمَلٰئِكَةِ فَقَالَ أَنْبِئُونِي بِأَسْمَاءِ هٰؤُلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صٰدِقِينَ ﴿٣١﴾ قَالُوا سُبْحٰنَكَ لَا عِلْمَ لَنَا بِهٰذَا مَا عَلَّمْتَنَا إِنَّكَ أَنْتَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ ﴿٣٢﴾ قَالَ يٰٓأَدَمُ أَنْبِئْهُمْ بِأَسْمَائِهِمْ فَلَمَّا أَنْبَأَهُمْ بِأَسْمَائِهِمْ قَالَ أَلَمْ أَقُلْ لَكُمْ إِنِّي أَعْلَمُ غَيْبَ السَّمٰوٰتِ وَالْأَرْضِ وَأَعْلَمُ مَا تُبْدُونَ وَمَا كُنْتُمْ تَكْتُمُونَ ﴿٣٣﴾

Эсланг (эй Мухаммад), Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен Ерда (Одамни) халифа (ёрдамчи) қилмоқчиман» деганида улар айтдилар: «У ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ахир биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаб, номингни мудом пок тутамиз». (Оллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан». Ва У Зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб, деди: «Агар халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!». Улар айтдилар: «Эй пок Парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Сен Ўзинг илму ҳикмат соҳибсан». (Оллоҳ): «Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдир», деди. (Одам) уларга барча нарсаларнинг исмларини билдирганидан кейин (Оллоҳ) айтди: «Сизларга Мен еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошқор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганмидим?».

Изоҳ. Юқоридаги оятлардан бизга одамзот Тангрининг ердаги сир-асорини биладиган халифаси экани ва ҳатто бегуноҳ фаришталар ҳам унга таъзим қилишлари маълум бўлгани каби, шайтоннинг сўзига кириш уни жаннатдан махрум қилгани, энди ерда тинч осойишта яшаш учун шайтони лаъиннинг васвасаларига учмаслик зарурлиги уқтирилади.

Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима), Бақара сураси 2; 30-33-оятлар, Алоуддин Мансур (таржима ва изоҳлар муаллифи), Тошкент - Шарқ - 1992.

2.

إِنَّ رَبَّكُمُ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمٰوٰتِ وَالْأَرْضِ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوٰى عَلَى الْعَرْشِ يُدَبِّرُ الْأَمْرَ مَا مِنْ شَفِيعٍ إِلَّا مِنْ بَعْدِ إِذْنِهِ ۗ ذٰلِكُمْ اللَّهُ رَبُّكُمْ فَاعْبُدُوْهُ أَفَلَا تَذَكَّرُوْنَ ﴿٣﴾ هُوَ الَّذِي جَعَلَ الشَّمْسُ ضِيَاءً وَالْقَمَرَ نُورًا وَقَدَرَهُ مَنَازِلَ لِتَعْلَمُوْا عَدَدَ السِّنِّينَ وَالْأَحْسَابِ ۗ مَا خَلَقَ اللَّهُ ذٰلِكَ إِلَّا بِالْحَقِّ يُفَصِّلُ الْآيٰتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُوْنَ ﴿٥﴾

Парвардигорингиз осмонлару ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз аршини эгаллаган Оллоҳдир. У ҳар бир ишнинг тадбирини қилур. (Қиёмат куниди) бирон оқловчи бўлмас, магар Унинг изну продасидан сўнггина (оқлай олур). Ана ўша Оллоҳ Парвардигорингиздир, Унга ибодат қилинг! Ахир эслатма-ибрат олмайсизларми?! У (Оллоҳ) қуёшни зиё сочгувчи, ойни эса ёруғлик қилган, йилларнинг саноғини ҳамда (вақтларнинг) ҳисобини билишингиз учун уни (яъни ойни бир қанча) манзил-буржларга бўлиб қўйган Зотдир. Ҳеч шак-шубҳасиз, Оллоҳ уни (борлиқни) ҳақ (қонун ва мақсад) билан яратди. У Зот биладиган қавм учун Ўз оятларини муфассал баён қилур.


Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима), Юнус сураси 10; 3-5 оятлар, Алоуддин Мансур (таржима ва изоҳлар муаллифи), Тошкент - Шарқ - 1992.

Роббингиз осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнг Аршни эгаллаган Аллохдир. У ишнинг тадбирини қиладир. Унинг изнисиз ҳеч бир шафоатчи бўлмас («Унинг ҳузурда Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас»). Бу ҳам улкан сифатлардан бўлиб, Аллохнинг ва банданинг мақомини баён қилиб беради. Бандаларнинг барчаси ким бўлишидан қатъи назар Аллохнинг ҳузурда бандалигини тан олиб туриб қолади. Бу бандаликни чуқур ҳис этиш шу даражага етганки, ҳатто ҳеч ким орага тушиб, бировга шафоатчилик қилишга ҳам журъат қила олмайди. Фақат Аллохнинг Ўзининг изни билангина, У берган изн чегарасидагина шафоат қила олади. Бу сифат ўтган оятдаги «...**ва шафоатчилик йўқ**» жумласидан истисно эканлигини билиб оламиз. Демак, умумий қоидага биноан шафоатчилик йўқ, аммо истисно тариқасида **Аллохнинг изни билан баъзи кишилар шафоат қилишлари мумкин** (*Бақара сураси 255-оят*). **Ана ўша Аллох Роббингиздир. Унга ибодат қилинлар. Эсламайсизларми?!** (Бу олти куннинг ҳақиқатини, кайфиятини Аллохнинг Ўзи билади. Аммо бизнинг тушунчамиздаги «кун» маъносида эмаслиги маълум. Чунки бизнинг тушунчамиздаги «кун» осмонлару ер яратилгандан сўнг ерга муносиб бўлган вақт билан чегараланади. Бу оятдаги «кун» эса осмонлару ер яратилишидан олдинги замонга тегишли вақтни англатмоқда).

У - қуёшни зиё, ойни эса нур қилган ҳамда йилларнинг ададини ва ҳисобини билишингиз учун унинг манзилларини ўлчовли қилган Зотдир. Аллох буни фақат ҳақ ила яратди. У Зот биладиган қавмлар учун оятларини батафсил баён қиладир (Инсон ҳаёти давомида доимий ҳис этиб турадиган мавжудотлардан бири қуёш, бири ойдир. Лекин инсон уларнинг мавжудиятига ўрганиб қолгани учун кўп ҳам эътибор бермайди).

Қуръони Карим маъноларининг ўзбекча таржимаси, Юнус сураси 10; 3-5-оятлар. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тошкент - Шарқ - 2008.

3.


 وَأَوْحَىٰ رَبُّكَ إِلَى النَّحْلِ أَنْ اتَّخِذِي مِنَ الْجِبَالِ بُيُوتًا وَمِنَ الشَّجَرِ وَمِمَّا يَعْرِشُونَ
 تُعْرَكُنَّ مِنْ كُلِّ آلْتَمَرَاتٍ فَاسْلُكِي سُبُلَ رَبِّكِ ذُلُلًا ۚ يَخْرُجُ مِنْ بَطُونِهَا شَرَابٌ مُخْتَلِفٌ أَلْوَانُهُ فِيهِ شِفَاءٌ لِلنَّاسِ ۗ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً
 لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

68. (Эй Муҳаммад), Парвардигорингиз асаларига ваҳий - амр қилди: «Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) қурадиган инларга уя солгин. 69. Сўнгра турли мевалардан еб, Парвардигоринг (сен учун) осон-қулай қилиб қўйган йўллардан юргин!» Унинг қорнидан одамлар учун шифо бўлган алвон рангли ичимлик-асал чиқур. Албатта, бу ишда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибрат бордир.

Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима),

Алоуддин Мансур (таржима ва изоҳлар муаллифи), Наҳл сураси 16; 68-69 - оятлар.

4.

يَأْتِيهَا النَّاسُ إِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّنَ الْبَعْثِ فَإِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِّن تَرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُطْفَةٍ ثُمَّ مِنْ عَلَقَةٍ ثُمَّ مِنْ مُضْغَةٍ
 مُخَلَّقَةٍ وَغَيْرِ مُخَلَّقَةٍ لِّنُبَيِّنَ لَكُمْ وَنُقِرُّ فِي الْأَرْحَامِ مَا نَشَاءُ إِلَّآ أَجَلٍ مُّسَمًّى ثُمَّ نُخْرِجُكُمْ طِفْلًا ثُمَّ لِتَبْلُغُوا
 أَشَدَّكُمْ وَمِنْكُمْ مَّن يُّنُوفٍ وَمِنْكُمْ مَّن يُّرِدُّ إِلَّآ أَرْدِلَ الْعُمُرِ لِكَيْلَا يَعْلَمَ مِن بَعْدِ عِلْمٍ شَيْئًا وَتَرَى
 الْأَرْضَ هَامِدَةً فَإِذَا أَنزَلْنَا عَلَيْهَا الْمَاءَ اهْتَزَّتْ وَرَبَّتْ وَأَنْبَتَتْ مِن كُلِّ زَوْجٍ بَهِيجٍ

Эй инсонлар! Агар қайта тирилишдан шубҳада бўлсангиз, у ҳолда (қаранглар), Биз сизларга (Оллохнинг қудратини) баён қилиш учун сизларни (яъни отангиз Одамни тупрокдан сўнгра (барча жонзотни аввало) нутфа-манийдан, сўнгра лахта қондан, сўнгра яралиб битган-битмаган (яъни инсон суратида шаклланиб битган ёки битмаган) парча гўштдан яратдик. Биз (сизларни) Ўзимиз хоҳлаганимизча - муайян муддатгача (оналарингиз) қорнида қолдириб, сўнгра чакалок холингизда (ёруғ оламга) чиқарурмиз, сўнгра вояга етгунларингизгача (ҳам Ўзимиз тарбия қилурмиз). Орангизда (гўдаклик, ёшлик йилларидаёқ) вафот топадиганлар ҳам бўлур, (кўп нарса - билимларни ўрганиб) билганидан сўнг ҳеч нарсани билмай қолиши учун энг тубан умрга (яъни

қариб-мункиллаб қолишга) қайтариладиганлар ҳам бўлур. (Қайта тирилиш ҳақ эканлигининг яна бир далили ушбудир) - сизлар бу ерни куруқ-ўлик ҳолида кўрурсиз. Қачонки, унинг устидан сув-ёмғир ёғдирсак, у ҳаракатга келиб кўпчийди [қайта тирилади Ғ.М.] ва турли-туман гўзал (наботот) жуфтларни ундиради.

*Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима), Ҳаж сураси 22; 5-оят
Алоуддин Мансур (таржима ва изоҳлар муаллифи), Тошкент - Шарқ - 1992.*

Эй одамлар! Агар қайта тирилиш ҳақида шубҳа қиладиган бўлсангиз, Биз сизга баён қилишимиз учун сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра алақадан, сўнгра битган-битмаган бир чайнам гўштдан яратдик. Бачадонларда хоҳлаган нарсамизни маълум муддатгача қарор топдирамиз. Кейин сизларни чақалоқ ҳолингизда чиқарамиз. Сўнгра вояга етишингиз учун (тарбия қиламиз). Орангизда вафот қилиб кетадиганлар ҳам, билганидан кейин ҳеч нарсани билмай қоладиган даражада ночор умрга етадиганлар ҳам бор. Ерни қақраган ҳолда кўрарсан. Қачонки, унга сув туширсак, у сесканади ва кўпчийди [қайта тирилади Ғ.М.] ҳамда ҳар хил гўзал жуфтларни ўстиради (Отангиз Одамни тупроқдан яратганмиз. Инсон йўқ эди, кейин отасининг нутфасидан дунёга келди. Оддий кўзга кўринмас ушбу маний ҳайвончалар билан баркамол инсон орасида қанча фарқ бор?! Ана шу заррадан одам яратган Холиқ Аллоҳ ўлган одамни қайта тирилтира олмасми?! Қуръони Каримда «алақа» деб номланган босқичдаги ҳомила зулукдек бачадонга ёпишиб туриши маълум бўлди. Алақанинг суврати ҳақиқий зулук билан солиштирилса, уларни фарқлаб бўлмайди. Хўш, ўша зулукка ўхшаш қотган лахта қон билан инсон орасида қанча фарқ бор? Ҳомила ривожланиб, алақа-лахта қон шаклидан бир парча чайналган гўшт ҳолига ўтади. Ана ўшанда унга шакл киради. Шакл кирса, битган бўлади. Шакл кирмаса, битмаган бўлади, бачадондан тушиб кетади. Ҳеч ким уни эсламайди ҳам. Энди, ўша бир парча чайналган гўштга ўхшаш нарса билан инсон орасида қанча фарқ борлигини бир ўйлаб кўрайлик? Ўша гўштдан инсонни яратган Аллоҳ ўлган одамни қайта тирилтира олмасми?!)

*Тафсири Ҳилол маънолар таржимаси 7-жуз, Ҳаж сураси 22; 5-оят.
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тошкент - Шарқ - 2008.*

5.

وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ سُلَالَةٍ مِّن طِينٍ ﴿١٣﴾ ثُمَّ جَعَلْنَاهُ نُطْفَةً فِي قَرَارٍ مَّكِينٍ ﴿١٤﴾ ثُمَّ خَلَقْنَا النَّطْفَةَ عَلَقَةً فَخَلَقْنَا
الْعَلَقَةَ مُضْغَةً فَخَلَقْنَا الْمُضْغَةَ عِظْمًا فَكَسَوْنَا الْعِظْمَ لَحْمًا ثُمَّ أَنْشَأْنَاهُ خَلْقًا آخَرَ فَتَبَارَكَ اللَّهُ أَحْسَنُ الْخَالِقِينَ

﴿١٤﴾

(Қасамки) Биз инсонни (яъни Одам алайҳис-саломни) лойнинг мағзидан яратдик.

Изоҳ: «Лойнинг мағзи»дан мурод - лой, ер жинсидаги барча моддалардир. Дарвоқе, замонавий тиббиёт ҳам инсон вужудида ер жинсининг барча моддалари мавжуд эканини исботлайди.

Сўнг уни (яъни барча инсонларни) аввало мустаҳкам қароргоҳида (яъни бачадондаги) нутфа, маний қилдик. Сўнгра бу нутфадан лахта қонни яратиб, лахта қондан парча гўштни яратиб, парча гўштдан суякларни яратиб, бу суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киргизиб, аввал-бошдаги бир томчи сув - нутфадан бутунлай) бошқа бир жонзот ҳолида пайдо қилдик. Энг гўзал яратгувчи (яъни йўқдан бор қилгувчи бўлмиш) Оллоҳ баракотлидир, буюқдир.

Изоҳ: Ушбу оятда инсоннинг она қорнидаги бир томчи сувдан то тирик комил инсонга айлангунигача кечган жараён Яратганнинг Ўз илоҳий қалами билан аниқ-равшан қилиб чизиб берилди.

*Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима), Мўминлар сураси 23; 12-14-оятлар.
Алоуддин Мансур (таржима ва изоҳлар муаллифи), Тошкент - Шарқ - 1992.*

Қасамки, Биз инсонни лой сулоласидан яратдик. Сўнгра уни мустаҳкам қароргоҳда нутфа қилдик. Сўнгра нутфадан алақа яратдик, алақадан чайналган гўшт яратдик, чайналган парча гўштдан суяк яратдик, суякка гўшт қопладик, сўнгра уни бошқа бир жонзот этиб пайдо қилдик. Яратгувчиларнинг энг яхшиси Аллоҳ баракотлидир, буюқдир.

*Тафсири Ҳилол маънолар таржимаси 7-жуз, Мўминлар сураси 23; 12-14-оятлар.
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тошкент - Шарқ - 2008.*

6.

وَلَوْ أَنَّمَا فِي الْأَرْضِ مِنْ شَجَرٍ أَقْلَمٌ وَالْبَحْرُ يَمُدُّهُ مِنْ بَعْدِهِ سَبْعَةُ أَبْحُرٍ مَا نَفِدَتْ كَلِمَاتُ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ

حَكِيمٌ ﴿٢٧﴾ مَا خَلَقَكُمْ وَلَا بَعَثَكُمْ إِلَّا كَنَفْسٍ وَاحِدَةً إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ ﴿٢٨﴾

يَتَأَيَّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمْ وَأَخْشَوْا يَوْمًا لَا يَجْزِي وَالِدٌ عَنْ وَلَدِهِ وَلَا مَوْلُودٌ هُوَ جَارٍ عَنِ وَالِدِهِ شَيْئًا إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ

فَلَا تَغُرَّنَّكُمْ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا وَلَا يَغُرَّنَّكُمْ بِاللَّهِ الْغُرُورُ ﴿٣٣﴾

Агар Ер юзидаги барча дов-дарахтлар қалам бўлиб, денгиз (сиёх бўлса) ва ундан сўнг яна етти денгиз ёрдамга келса, Оллоҳнинг сўзлари тугаб-битмас. Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир. Эй инсонлар, Парвардигорингиздан қўрқингиз ва яна бир Кундан (яъни қиёматдан) қўрқингизким, (у Кунда) бирон ота ўз боласи томонидан (бирон нарса) ўтай олмас, бола ҳам отаси томонидан бирон нарса ўтай олгувчи бўлмас. Оллоҳнинг (қайта тирилтириб, ҳисоб-китоб қилиш ҳақидаги) ваъдаси ҳақдир. Ҳаргиз сизларни дунё ҳаёти (ўзининг ўткинчи неъматлари билан) алдаб қўймасин, ҳаргиз сизларни ғурур (яъни шайтон) Оллоҳ (ҳар қандай гуноҳни кечаверади, деган алдов) билан алдаб қўймасин!

*Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима), Луқмон сураси 31; 27-33-оятлар.
Алоуддин Мансур (таржима ва изоҳлар муаллифи), Тошкент - Шарқ - 1992.*

Агар ер юзидаги дарахтнинг барчаси қаламлар бўлиб, денгиз ва унинг ортида етти денгиз мадад бериб турса (сиёх бўлса) ҳам, Аллоҳнинг калималари битмас. Аллоҳ азиздир, ҳақимдир. Эй одамлар! Роббингизга тақво қилинг ва ота боласига фойда бера олмайдиган, бола отасига бирор нарсада фойда бергувчи бўлмайдиган Кундан қўрқинг. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Дунё ҳаёти сизларни ғурурга кетказмасин. Ўта ғурурга кетказгувчи сизни Аллоҳ ила ғурурга кетказмасин. (Бу кун Қиёмат кунидир. У кунда инсонлар орасидаги боғланишлар, алоқалар кесилади. Ҳар ким ўзи учун жавоб беради. Бировнинг бировга фойдаси тегмайди. Ҳатто ота болага, бола отага фойда бера олмай қолади. У кунда бирдан-бир фойда берадиган нарса - иймон ва яхши амал бўлади. Ана шу Кундан қўрқиш барча одамларнинг одабийлик бурчидир. Қиёмат кунидан қўрққан одамгина барча ёмонликлардан қайтади. Аксинча, Қиёмат кунидан қўрқмайдиган одам ҳеч қандай ёмонликдан қайтмайди).

*Тафсири Ҳилол маънолар таржимаси, Луқмон сураси 31; 27-33-оятлар.
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тошкент - Шарқ - 2008.*

7.

هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ تَرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُطْفَةٍ ثُمَّ مِنْ عَلَقَةٍ ثُمَّ يُخْرِجُكُمْ طِفْلًا ثُمَّ لِتَبْلُغُوا أَشَدَّكُمْ ثُمَّ لِتَكُونُوا

شُيُوخًا وَمِنْكُمْ مَنْ يُوَفِّي مِنْ قَبْلِ وَلِتَبْلُغُوا أَجَلًا مُسَمًّى وَلِعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٦٧﴾

У сизларни(нг отангиз Одамни) тупрокдан, сўнгра (унинг барча авлодларини) нутфадан, сўнгра лахта қондан яратган Зотдир. Сўнгра У сизларни (оналарингиз қорнидан) чақалок ҳолингизда (ёруғ дунёга) чиқарур, сўнгра У Зот сизларни вояга етишларингизга, сўнгра қариб-қартайишингизга (қўйиб берур). Орангизда вояга етишдан ёки кексалик ёшидан илгари вафот топадиганлар ҳам бўлур. У Зот сизларни белгиланган ажал (соати)га етишларингизга (қўйиб берур). Шоядки, ақл юргизсангиз.

*Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима), Ғофир сураси 40; 67-оят.
Алоуддин Мансур (таржима ва изоҳлар муаллифи), Тошкент - Шарқ - 1992.*

У - сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра (ёпишқок) лахта қондан яратган Зотдир. Сўнгра У Зот сизларни чақалоқ холингизда чиқарур. Сўнгра камолга етишингиз учун, сўнгра қаришингиз учун (улғайтирур). Орангизда бундан олдин вафот этадиганлар ҳам бўлур. (Булар) белгиланган ажалга етишингиз учундир. Шоядки ақл юритсангиз. (Бу оятда кибрга кетиб, ўзини унутган, Аллоҳни - Холиқини тан олмай қўйган инсонга унинг асли, нақадар ожизлиги эслатилмоқда. Эй одамлар, айримларингиз камолга ёки қариликка етишдан олдин вафот этиб кетасиз. Ҳар лаҳзада тушаётган ҳомилалар, ўлаётган болалар, ёшлар бунинг далилидир. Ҳар бир инсон учун белгилаб қўйилган ажал бор, ўша ажалга етгунча яшайди. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг ишидир. Шоядки ушбу ҳақиқатлар устида ақл юритиб, ким эканингизни англаб, Роббингизга ибодат қилсангиз)

*Тафсири Ҳилол маънолар таржимаси 7-жуз, Ғофир сураси 40; 67-оят.
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тошкент - Шарқ - 2008.*

8.

لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِالْبَيِّنَاتِ وَأَنْزَلْنَا مَعَهُمُ الْكِتَابَ وَالْمِيزَانَ لِيَقُومَ النَّاسُ بِالْقِسْطِ وَأَنْزَلْنَا الْحَدِيدَ فِيهِ بَأْسٌ شَدِيدٌ وَمَنْفَعٌ لِلنَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ مَن يَنْصُرُهُ وَرُسُلَهُ بِالْغَيْبِ إِنَّ اللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٌ ﴿٢٥﴾

Қасамки, Ўз пайғамбаримизни аниқ хужжат-мўъжизалар билан юбордик, улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон-тарози туширдик. Яна Биз темирни туширдик, яратдик. Унда куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бор. Оллоҳ ғайба (бандалари кўзига кўринмасдан) турган ҳолида Ўзига ва пайғамбарларига (Оллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан) ёрдам берадиган кишиларни билиш учун (темирни яратди). Оллоҳ кучлидир, қудратлидир.

Изоҳ: Ушбу ояти каримада жамият интизоми ва кишилар осойишталиги учун Оллоҳнинг китоби ва адолат тарозиси билан бирга яна темир, яъни қуролли кучга ҳам муҳтож бўлинишига ишора қилинмоқда.

*Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима), Ҳадид сураси 57; 25-оят.
Алоуддин Мансур (таржима ва изоҳлар муаллифи), Тошкент - Шарқ - 1992.*

Биз Пайғамбарларимизни равшан(нарсалар) ила юбордик ва улар ила китоб ҳамда одамлар адолатда туришлари учун мезон туширдик. Ва темирни туширдик - унда катта куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бор. Аллоҳ ким Ўзига ва Пайғамбарларига ғойибона ёрдам бераётганини билиши учун (темирни яратди). Албатта, Аллоҳ кучлидир, азиздир. (Ояти каримада Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз Пайғамбарларига юбордим деяётган равшан, очиқ-ойдин нарсалар - мўъжизалар, шариат аҳкомлари, оятлар бўлиши мумкин. Ушбу оят тушган вақтидаёқ мусулмонларни темирга эътибор беришга, ундан самарали фойдаланишга даъват қилган эди. Темирнинг одамлар учун манфаатини санаб тугатиб бўлмайди. Оятнинг охиридаги жумлада эса бир-икки нозик маънолар бор. Жумладан, темирдан ясалган асбобларни ишлатиб, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига ёрдам берувчиларни билиши учун, деган ишора. Маълумки, Аллоҳ илмининг чегараси йўқ - ҳамма нарсани рўй беришидан аввал билиб туради. Лекин бу оятдаги «билиши»ни юзага чиқариши, халойиққа билдириши деб тушунмоқ керак. Шунингдек, «ғойибона» сўзи ҳам Аллоҳни ва Унинг Пайғамбарларини кўрмасдан туриб уларни динига ёрдам беринглар, деб шарҳланади.)

*Тафсири Ҳилол маънолар таржимаси, Ҳадид сураси 57; 25-оят.
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тошкент - Шарқ - 2008.*

9.

اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ﴿١﴾ خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ ﴿٢﴾ اقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ ﴿٣﴾ الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ ﴿٤﴾ عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ ﴿٥﴾

(Эй Муҳаммад, барча мавжудотни) яратган Зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг! У инсонни лахта қондан яратган (Зотдир). Ўқинг! Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни, хатни) ўргатган ўта қарамли Зотдир. У Зот инсонга билмаган нарсаларини ўргатди.

Изоҳ. Ушбу оятлар инсоният ҳаётига янги илоҳий таълимот ва то Қиёмат бузилмай сақланиб қоладиган, Оллоҳ таоло юборган динларнинг энг сўнггиси бўлган мукамал дин - Ислом кириб келгани ҳақидаги илк хабарлар эди. Ушбу илк оятларданоқ Ислом дини инсонларни жаҳолат, хурофотга эмас, балки илм-маърифатга чорлаши ва фақат ўқиш-ўрганиш билан Яратган рози бўладиган Ҳидоят йўлини топишга даъват этиши маълум бўлди. Шунинг учун ҳам пайгамбар алайҳис-салом: «Илм исташ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» деб марҳамат қилганлар.

Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима), Алақ сураси 96; 1-5-оятлар. Алоуддин Мансур (таржима ва изоҳлар муаллифи), Тошкент - Шарқ - 1992.

Яратган Роббинг номи билан ўқи! У инсонни алақдан яратди. Ўқи! Роббинг Карамлиларнинг карамлисидир. У қалам билан илм ўргатгандир. Инсонга билмаган нарсасини ўргатгандир.

Тафсири Ҳилол маънолар таржимаси, Алақ сураси 96; 1-5-оятлар. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тошкент - Шарқ - 2008.

10.

2605- عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ أَنْزَلَ الدَّاءَ وَالدَّوَاءَ، وَجَعَلَ لِكُلِّ دَاءٍ دَوَاءً، فَتَدَاوَوْا وَلَا تَدَاوَوْا بِحَرَامٍ.

2605. Абу Дардо розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳ дардни ҳам, даври ҳам нозил қилган. Бас, даволанинглари, фақат ҳаром билан даволанманглари», дедилар».

Шарҳ: Демак, номи ҳаром нарса борки, даво бўлиши мумкин эмас экан. Шунинг учун муслмон одам таоми ҳалол бўлишини талаб қилганидек, дориси ҳалол бўлишини ҳам талаб қилиши керак.

Шу ерда спирт, банж каби нарсалар ҳақида савол пайдо бўлади. Бу борада шуни айтиш керакки, бу ва бунга ўхшаш нарсалар аслида даво учун аталган нарсалар. Фақат табиати бузуқ кишиларгина уларни маст қилувчи модда сифатида ишлатишни ўйлаб чиқарганлар ва истеъмол қиладилар. Шунинг учун бу каби асли тиббий бўлган нарсалардан гарчи уларда маст қилиш қобилияти бўлса ҳам табиблар тиббий қондалар асосида ишлатганда фойдаланса бўлаверади, балки лозим бўлади.

Ҳадис ва Ҳаёт 18-жуз, Тиб ва дам Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тошкент - Шарқ - 2007. 172-бет.

Келажакда биз ҳаммамиз ўтиб исломга, ўлажакмиз исломда.

Вольфган Гёте

Имоми Аъзам ҳаёти ҳақида қимматли сўзлар

Бир хотун икки бола туғди. Бу икки болани орқаси бир-бирига ёпушқон қўшалок эрдилар. Анинг бири ўлди. Куфа уламолари «Ҳар икковини кўмсун», дедилар. Аммо имоми Аъзам (қарийб 1200 йилдан бери ҳукм суриб келадиган сунний мазҳабининг асосчиси куфалик Абу Ханифа ан-Нуъмон ибн Собит **Имоми Аъзам (Улуг имом) 699-767 й.**) айтдиларки, «Ўлгонини туфроққа кўмсун, тириги анинг устида турсун токи ажрағой». Ҳазрати Имоми Аъзам деганларини қилдилар, охир бир кун тириги ажралди ва қанча муддат умр кўрди ва анга «**ғуломи Имоми Аъзам**» (Имоми Аъзамнинг қули) деб ном қўйилди.

Васлий Самарқандий - Имоми Аъзам ҳаёти ҳақида қимматли сўзлар, (Таржимон Маҳмуд Ҳасаний), Тошкент - Маърифат - 1991 (39-бет).

II – ФАСЛ

Фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаси Абу Али ибн Сино - Мададсино - Медицинанинг Тиб Қонунлари - Медицина Қонунларига мувофиқ тарзда дастурланган эканлиги тўғрисида қисқача далиллар

Мураккаб дориларнинг кераклиги

Биз ҳар бир касалликда, хусусан, мураккаб касалликда¹ унга қарши тура оладиган содда дорини топа олмаймиз, агар [ундай дори] топилганда ҳам, биз уни афзал кўрмаймиз. Ҳатто биз, кўпинча, мураккаб [касалликка] қарши тура оладиган мураккаб [дорини] ҳам топа олмаймиз ёки уни топамиз, бироқ бизга унинг таркибий қисмларидан биронтасининг қуввати ортиқроқ бўлиши зарур бўлади ва натижада унинг қувватини кучайтирувчи бирон содда [дори] қўшишга муҳтож бўламиз. Масалан, бобунани олайлик, унда эритиб тарқатиш қуввати кўпроқ, буруштириш қуввати эса озроқдир, шунинг учун унга биронта буриштирувчи содда дори қўшиб, унинг буриштириш қуввати кучайтирилади. Баъзан бизда бирон қиздирувчи содда дори мавжуд бўлади, лекин биз учун унга нисбатан камроқ қиздириш зарур бўлади, натижада унга биронта совутувчи [дорини] қўшишга тўғри келади; ёки унга қараганда кўпроқ қиздириш [керак бўлиб], унга яна бошқа бир қиздирувчини қўшишга муҳтож бўламиз. Кўпинча, бизга тўрт жуз билан қиздирувчи² дори керак бўлади, аммо бизда фақат уч жуз билан қиздирадиган бир дори ва беш жуз билан қиздирадиган бошқа бир доригина мавжуд бўлади; шунда тўрт жуз билан қиздирувчи [дори] ҳосил қилиш учун уларни бир-бири билан қўшамиз.

Гоҳо биз истаган дори бизга зарур соҳада етук [таъсирга] эга бўлсада, бироқ бошқа жиҳатдан зарарли бўлади, шунинг учун унга унинг зарарини синдирадиган нарса аралаштириш зарур бўлиб қолади. Баъзан [дори] инсон табиатига ёқимсиз ва карохатли бўлиб, меъда уни ёқтирмайди ва қайтариб чиқаради, шунда уни ёқимли қиладиган бирон нарса билан аралаштиришга мажбур бўламиз. Гоҳо дори ўз таъсирини [гавданинг] узоқроқ ерида кўрсатиши мақсад қилиб қўйилади, бироқ биринчи ва иккинчи ҳазм унинг қувватини синдириб юборади деб кўрқилади, шундай ҳолларда у [дори] мўлжалланган аъзога бузилмаган ҳолда етиб борсин учун, унга ўзи таъсирланмасдан, иккала ҳазмнинг таъсирини [доридан] узоқлатадиган сақловчини қўшишга тўғри келади, масалан, тарёк¹ дорисига афюн қўшилади.

Баъзан дорини [ичкарироқ] олиб бориш мақсад қилиб қўйилади, масалан, кофур кулчаларини юракка етказиш учун уларга заъфарон қўшилади, улар юракка бориб етгач, ажратувчи қувват ишга киришиб, заъфаронни [кулчалардан] ажратади ва уни йўқотади; совутувчи ва сўндирувчи дорилар] эса юракка ўз таъсирини кўрсатади. Ажратувчи қувват эритиб, тарқатувчи қувват билан буриштирувчи қувватни бир-биридан айирганда ҳам шундай таъсир кўрсатади; дори табиий ёки сунъий бўлишидан қатъи назар шундай бўлади, натижада эритиб тарқатувчи [қувват] оғриётган аъзонинг ўзига таъсир этиб, моддани тарқатади, қайтарувчи [қувват] эса модда юрадиган йўлларга таъсир кўрсатиб, уни қайтаради.

Гоҳо биз дори ўтиш йўлларида жуда етарли даражада таъсир кўрсатсин учун, унинг бир оз ушланиб туришини истаймиз, бироқ дори тез сингиб ўтадиган бўлади, шунда уни тутиб турувчи [дори] билан аралаштирамиз. Масалан, [тиқилмаларни] очувчи дориларнинг кўпи жигардан тез ўтиб кетадиган бўлади, кўпинча эса, уларнинг жигарда ушланиб туришлари жуда зарур бўлади, шундай ҳолларда уларни жигарнинг қарши томонига тортувчи дорилар билан аралаштирамиз; масалан; турп уруғи дорини меъда оғзи томон тортади, натижада дорининг фойдаси жигарга ўтганга қадар у гўё тараддуланиб [тўхтаб туради], сўнгра ўтиб кетади. Кўпинча, биздаги дори иккала томон учун ҳам умумий бўлади⁴, бизнинг мақсадимиз эса, уни фақат бир томонга [йўналтириш] бўлади ва уни ўша томонга олиб борадиган нарса билан қўшамиз, масалан, [тиқилмаларни] очиб, сийдикни юргизувчи дориларни томирлардан буйрак ва қовуқ томонга йўналтириш учун уларга олакуланг қўшилади.

Билгинки, кўп [310] дориларнинг [баданга] тушиш ўринлари билан таъсир кўрсатадиган ўринлари [бошқа-бошқа] бўлади. Баъзан [дорининг] тушиш ўрни унинг таъсир кўрсатиш ўрнидан узоқроқ бўлиши назарда тутилади, шунда биронта олиб борувчи [дори]га эҳтиёж туғилади. Баъзан эса, таъсир кўрсатиш ўрнининг тушиш ўрнидан яқинроқ бўлиши мақсад қилиб қўйилади, бундай ҳолда тутиб қолувчи [дорига] эҳтиёж тушади.

Билгинки, тажрибадан ўтказилган [дори] тажрибадан ўтказилмаганидан яхшидир; бир мақсад учун дорининг ози кўпидан кўра яхшироқдир. Дорининг ози кўпидан яхши эканлигининг сабаби Иккинчи китобнинг бошида изоҳланган. Тажрибадан ўтган дорининг яхши эканлигининг сабаби шуки, ҳар бир мураккаб дори учун унинг таркибидаги содда қисмлари юзасидан бир турли ҳукм ва бириккан ҳолатидаги сурати юзасидан бир ҳукм бўлади. Тажрибадан ўтказилмаган дори фақат ўзининг содда қисмлари эътибори билангина фойда келтириши мумкин, уларнинг қўшилиши натижасида нима юз беришини биз билмаймиз: бунда улар кучлироқ бўлиб қоладими ёки кучсизроқми? Тажрибадан ўтган дорида эса, бу икки ҳол текшириб кўрилган бўлади. Кўпинча [мураккаб дорининг] таркиб ҳолидаги фойдаси унинг таркибий қисмларидан кутилганига қараганда кўпроқ бўлади.

[Дорилар] қандай таркиб қилинади. Билгинки, агар сенда [даволаш учун] тўрт хил эҳтиёж туғилса ва улар учун [етарли булган] табиий дорини тополмай сунъий дорига муҳтож бўлсанг, масалан, *сақмуниё*, Абу Жаҳл тарвузининг эти, сабр ва турбуд билан бўшатишга эҳтиёжинг тушиб, бир умумий дори ҳосил қилиш учун уларни бир-бири билан қўшишни истасанг, қарашинг керак: агар [дориларга] ва уларнинг таъсирига бўлган ҳожат бир хилда бўлса ва улар тўртта бўлса, уларнинг ҳар биридан бир ичимнинг тўртдан бирича олиб қўш. || Агар уларга бўлган эҳтиёж бир хилда бўлмаса, балки бирига кўпроқ ва бошқасига озроқ бўлса, тиб санъатида асосланиб чамалаб, [уларнинг ҳар бирига бўлган] эҳтиёж даражасини аниқла ва [бирига] бўлган эҳтиёжнинг [иккинчисига] бўлган эҳтиёжга нисбатини асосий қоида қилиб ва шу нисбатга асосланиб, умумий таркибнинг бир ичимига кирадиган баъзи [содда дориларнинг] миқдорини ошир, баъзилариникини камайтир, сўнгра ҳаммасини қўш!

Билгинки, тарёқ каби нажот келтирувчи мураккаб дори ўз таркибидаги содда қисмлари туфайли бир турли таъсир ва қувватларга эга бўлганидек, у дорида маълум бир мизож ҳосил бўлсин учун уни бир қанча муддат давомида ачитиш натижасида пайдо бўладиган сурати² туфайли ҳам бир турли таъсир ва қувватларга эга бўлади. Кўпинча [сурати] таркибидаги содда қисмларига қараганда афзалроқ бўлади. Табибларнинг: - **Тарёқ фалон касалликка [ўз таркибидаги] сунбул туфайли, фалон касалликка эса *мурр* туфайли фойда қилади, - деган сўзига аҳамият бермаслик керак, тўғри, [тарёқ] шу [қисмлари] туфайли ҳам фойда етказди, бироқ ундаги асосий нарса унинг суратидир. [Таркибий қисмлари] ҳаммаси биргалашиб жуда яхши фойда келтиради, бироқ биз у қисмларнинг [тарёқнинг] таъсирига муносабати қандай эканлигини аниқ кўрсатиб бера олмаймиз.**

Сенга яна маълум бўлсинки, мураккаб дорилар таркибида асосий қисм ва асл вазифасини бажарувчи дорилар бўлади ва уларни таркибдан чиқарилса, [мураккаб дорининг] фойдаси йўқолади, масалан, тарёқдаги *афъо* илонининг гўшти, *иёраж фикрдаги* сабр ва *Луғозиё иёражидаги* харбақлар шундай. Баъзи дорилар борки, уларни тушириб қолдириш, бошқаси билан алмаштириш, [миқдорини] кўпайтириш ёки камайтириш ҳам мумкин. Баъзи дорилар ҳам борки, агар улар [мураккаб дорига] қўшилса, зарар етказди, [масалан], тарёқда балозур қўшилса, у дорини, айниқса *афъо* илони гўштини бузган бўлар эди; дориларнинг ичида шундайлари ҳам борки, агар уларнинг миқдори орттирилса, зарар етказмайди, масалан, сен тарёққа мускат ёнғоғини қўшсанг, катта гуноҳ қилган бўлмайсан.

Билгинки, кўп таркиблар [дориларнинг таъсирини] бузишга сабаб бўлади, кўплари эса жуда яхши таъсирли бўлиб чиқади. Кўп таркиблар содда ҳам мураккаб дорилардан тузилади, масалан, тарёқ содда қисмлардан ва уч хил кулчадан таркиб топади, ҳар бир кулча ўзининг мураккаблиги туфайли содда дориларда бўлмайдиган хусусиятга эгадир. Баъзи дори мураккаб дорилардан таркиб топади.

Тарёқлар¹ ва катта маъжунлар² ҳақида

Тарёқ *форук*³. Бу тарёқ мураккаб дориларнинг энг яхшиси ва энг афзалидир, чунки у кўп нарсаларга фойда қилади, хусусан илон, чаён ва кутурган ит захарига ҳамда ичилган ўлдирувчи захарларга, шунингдек, балғамдан ҳамда савдодан бўладиган касалликларга ва уларнинг иситмаларига, ёмон бодлар, фалаж, сакта, тутқанок, юз фалажи, қалтироклик, васвасалик, жиннилик, айниқса мохов касаллигига ҳамда пеликка фойда қилади.

Бу [тарёқ] юракни тетиклаштиради, ҳисларни ўткирлаштиради, иштаҳаларни қўзғатади, меъдани кучайтиради, нафас олишни осонлаштиради, хафақонни кетказди ва қон туфлашни тўхтатади, буйрак ва қовуқнинг кўпчилик оғриқларига ҳамда улардан [турли нарсаларнинг]

оқишига қарши ҳам фойда қилади, тошни майдалайди, шунингдек, ичак яраларига, жигар, талоқ ва бошқа [аъзоларда] бўладиган ички қаттиқликларга ҳам фойда қилади. [Тарёқ] бу таъсирларни ўз таркибидаги содда [дориларнинг] аралашувидан келиб чиқадиган суратининг хусусияти туфайли амалга оширади, чунки у рух билан туғма ҳароратни кучайтиради ва шу орқали [инсон] табиатига совуқлик ва иссиқликка қарши туришда ёрдам беради.

Бу дори учун энг яхши нусха Андромахнинг⁴ дастлабки асл нусхасидир. Жолинуc ва бошқа кўп табиблар [тарёқнинг таркибини] орттириш ёки камайтиришга уриниб кўрганлар, буни улар бирон зарурат ёки кучли сабаб туфайли қилмаганлар, балки [номлари] зикр этилсин ва улардан ҳам Андромахдан қолгани каби ёдгорлик қолсин деган умидда қилганлар. Тажриба натижасида нажот берувчи бўлиб чиққан [таркибдан] ҳеч нарсани ўзгартирмаслик дурустроқ бўлади. [Тарёқни] ўша хил вазнда таркиб қилиш [зарурлиги] тажрибанинг тақозосидир. Агар ундаги [таркибий қисмларнинг] вазни ўзгартирилса, у бунчалик хусусиятга эга бўлмайди. Агар бирон [киши] тарёқ қисмларининг, ўша хилдаги вазнлари нима учун [тарёқда] шу хил хусусиятни келтириб чиқариш сабабини биламан, деб даъво қилса, у киши рад қилинадиган, ёлғон нарсани даъво қилган бўлади; у худди бирон кишининг от, инсон ва бошқалардаги содда унсурларнинг вазнларини билишни даъво қилганига ўхшайди.

Тарёқнинг болалик, ўсмирлик, ёшлик, қариллик ва ўлиш [даврлари] бор. У олти ой ёки бир йил ўтгандан кейин бола бўлади, кейин у ўса ва орта бориб, ниҳоят иссиқ мамлакатларда ўн йилдан кейин, совуқ мамлакатларда эса, йигирма йилдан кейин [ўсишдан] тўхтайдди. Сўнгра у ўн ёки йигирма йил давомида тўхтаб туради, кейин йигирма ёки қирқ йилдан сўнг [унинг кучи] камая боради, ниҳоят, унинг тарёқлиги ўттиз ёки олтмиш йилдан кейин йўқолади ва у тарёқлик даражасидан тушган маъжунлардан бири бўлиб қолади.

[Бирон нарса] чаққан кишига [тарёқнинг] янги ва кучлисини ичириш керак, бошқаларга эса заифроғи ичирилади. Кўпинча, бирон нарса чаққан кишига янги [тарёқдан] ярим мисқолдан бир мисқолгача ичиришга тўғри келади. [Тарёқнинг] янги ва кучлисини эски, || кучсиз ва ёмонидан ажратадиган синовлардан бири шуки, бир кишига биронта сурги ичириб, ичи суришини кутиб турилади, ичи сургач, тарёқ ичирилади, агар у ични тўхтатса, демак, у янги ва яхши [тарёқ], бўлмаса - ёмон. Жолинуc эслатиб ўтган синовлардан бири мана бу: ёввойи хўрозни тутиш лозим, чунки унинг мизожи уйда боқиладиганиникидан кўра қуруқроқ бўлади, - менимча, бу эркак қирғовул бўлса керак, - кейин уни бирон [заҳарли] ҳашаротга чақтирилади, кейин унга тарёқ ичирилади, агар у тирик қолса, тарёқ яхши ҳисобланади. Яна [тарёқни] афюн, сассиқ алаф ва бошқа нарсалар ичган одамга бериб ҳам синаб кўрилади. Аммо аконитга тарёқ кам фойда қилади, у фақат ўлим муддатини бир оз кечиктиради, холос; баъзи [табиблар]: бунга мушк дориси бошқа ҳамма нарсадан кўра фойдалироқ бўлса керак, - дейдилар.

Ҳар бир айрим касалликда тарёқдан қанча ичириш кераклигига келсак [шуни айтиш керакки], эски йўтал, кўкрак ва биқин оғриғида ундан бир турмуса миқдоридегисини асал суви билан ёки [касалнинг] иситмаси бўлса, гулоб билан ичирилади. Даврий қалтиратувчи иситма, совуқлик ва қусишнинг дастлабки даврида [тарёқдан] бир турмуса миқдоридегиси уч уқиядан кам бўлмаган ва тўрт ярим уқиядан ортиқ бўлмаган сув ёки шароб билан ичирилади. Қуланжга учраган, меъдаси кўпчиган ва ичаги бураб оғрийдиган кишиларга бир турмуса миқдоридегиси, билганингдек, асал сувида ёки гулоб билан ичирилади. Иштаҳаси тушган кишига ҳам, ўзинг билганингдек, сув ёки шароб билан ичирилади, тарёқдан бир турмусани туёғўт қайнатмаси билан ичирилади. Истисқода бир турмуса [тарёқни] овқатдан олдин ютқизилади ёки бир ярим уқия миқдоридеги суюлтирилган сиркада ичирилади. Қон туфлайдиган кишига эса, агар касаллик яқинда бошланган бўлса, [тарёқдан] бир мисқолгачаси суюлтирилган сиркада ичирилади, агар [касаллик] эски бўлса, ўша миқдорни сумкутун қайнатмасида эрталаб ва кечқурун ичирилади. Овози бўғилиб қолган кишига бир боқила миқдордаги [тарёқни] асалли сув ёки узум шинниси билан ичирилади ёки тил тагида тутиб туришга буюрилади. Ичак яралари ва ичдан қон ўтишига қарши уни татим суви билан, нафас қисишга қарши эса, бир уқиядан камроқ денгиз пиёзи сиканжубини билан ичирилади, Тутқанокда [тарёқ] билан томоқ чайилади, кейин чорак мисқолдан [312] ярим мисқолгачани сувда ёки денгиз пиёзи сиканжубинида ичирилади; бош оғриғи ва шақиқада ҳам шундай қилинади. Агар [тарёқ] петрушка қайнатмаси билан ичилса, қовуқ ва буйрақдаги тошни майдалайди. У ҳайзани қайтаради ва табиатни боғлайди. Соғлиқ вақтларида [тарёқ] ичиб юрган кишига заҳарлар зарар қилмайди. У турли офатлардан сақланади ва вабо касалликларидан омон қолади.

[Тарёқнинг] сифати. Денгиз пиёзи кулчаларидан - қирқ саккиз мисқол; афъо илони кулчаларидан - йигирма тўрт мисқол; андрухурун кулчалари, қорамурч ва **афюнларнинг** ҳар биридан - шунчадан; дорчиндан, - бир ривоятга кўра, - ўн икки мисқол, - бошқа бир ривоятга кўра, - йигирма тўрт мисқол; қизил гулдан - ўн икки мисқол; ёввойи шолғом уруғи, ёввойи саримсоқ, гулсапсар илдизи, дарахт пўкаги, чучукмиянинг қуюлтирилган шираси ва бальзам ёғининг ҳар биридан - шунча вазндан; мурр, заъфарон, занжабил, ровоч, фантафилун, тоғ ялпизи, канавча, тоғ петрушкаси, Рум райҳони, куст, оқ мурч, узун мурч, кийигўти, кундур елими, қорачайир гули, сақич, қора Цейлон дорчини, Ҳинд сунбули ва жулаҳларнинг ҳар биридан - олти мисқолдан; суюк майъа елими, петрушка уруғи, Рум сассиқ қавраги, оқ индов уруғи, жувона, камодарюс, камофитус, такасоқол шираси, Иқлит сунбули, содаж, ёввойи укроп илдизи, гентиана илдизи, арпабодиён уруғи, мухр лойи, куйдирилган сариқ зок, амом, игир, бальзам дарахти уруғи, далачой, тоғ сунбулининг илдизи, [араб] елими, ёввойи зира, Рум арпабодиёни ва араб акациясининг шираси - шуларнинг ҳар биридан тўрт мисқолдан; ёввойи сабзи уруғи, гальбан елими, яхуд муми, говшир, ингичка луфо ва узун аристолохияларнинг ҳар биридан икки мисқолдан, - бир ривоятга кўра, - узун аристолохиянинг ўрнига унинг думалоғи кўрсатилган. Кундуз қиридан, - бир ривоятга кўра, - икки мисқол, - бошқа бир ривоятга кўра, - тўрт мисқол [олинади]; Эрон қавраги ҳақида ҳам гап шундай; асалдан ўн ритл, эски хушбўй шаробдан икки қист олинади. [Дорилардан] эрийдиганлари эритилади, ивийдиганлари ивителиди, қуруклари эса янчиб эланади. [Сўнгра ҳаммасини] асал билан қориб, сопол ёки қалай, ёки кумуш идишга солиб қўйилади; шунда идишни тўлатмасдан, дори нафас олсин учун, бўш жой қолдирилади. **Асал ва шаробдан ташқари ҳамма дорилар - олтмиш тўртта.**

Абу Али ибн Сино „Тиб қонунлари“ V Китоб / Тошкент - „Фан“ - 1980 й. (10-20 - бетлар).

Изоҳлар

¹**Тарёқ [ёки тирёқ] - захарларга қарши ишлатиладиган жуда мураккаб таркибга эга бўлган дори.** Бу сўз юнонча *Opriaxa* [Lane, 304; Ковнер, 707]дан олинган; бу терминнинг келиб чиқиши ҳақида X-XI асрда яшаган олим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий шундай ёзади: „Бу юнончада илон ва шунга ўхшаш чақувчи ҳайвонларни билдирувчи тирийун [*vnpiov*] сўзидан олинган“ [„Мафотих ул-улум“ 175]. **Тарёқнинг энг яхши хилини катта тарёқ ёки тарёқ форук [айирувчи тарёқ] деб аталади. Ҳақиқатни ёлғондан ва яхшилиқни ёмонликдан усталики билан фарқ қиладиган кишига нисбатан форук дейилади. Яхши тарёқ касалликни соғлиқдан [Lane, 2386] ёки ўлимни ҳаётдан, ёки захарни инсон табиатидан ажратгани учун [ҚК, I, 183] унга ҳам форук исми берилган.**

²*Маъжун* [жами маожин] сўзнинг луғавий маъноси қорилган ва хамир қилинган бўлиб, ажин [хамир] сўзидан олинган. Бу термин билан таркибий қисмлари яхшилаб янчиб, эзиб аралаштиригандан кейин асалга ёки қанд қиёмига, ёки бошқа бирон шарбатга қориш орқали тайёрланадиган мураккаб дори ифодаланади; бу таркибни қориштиригандан кейин қирқ ёки ундан ортиқ, ёхуд кам кунгача ачитиб учун қўйиб қўйилади. Маъжун билан жуворишн тайёрлашдаги асосий айирма шундан иборатки, биринчисининг таркибига кирувчи моддалар жуда майдалаб янчиб эзилади, иккинчисиники эса бир оз йирикроқ янчилади [ҚК, II, 438-439].

³ Б да қўшилган: „ва унинг таркибининг баёни“.

⁴ **Андромах [отаси] Критда туғилган бўлиб, Рим императори Нероннинг [асримизнинг 54-68 йиллари] сарой табиби эди. У тарёқ ҳақида махсус шеърый рисола ёзган [Ковнер, 792].**

Абу Али ибн Сино „Тиб қонунлари“ V Китоб, Тошкент - „Фан“ - 1980 й. (234-бет).

Иксир ҳақида

Иксир:

1. Қиймати паст маъданларни олтинга айлантириши ҳамда барча касалликларни даф қилиш хосиятига эга деб ишонилган фаразий кимё илми.

Камолга эришган улуғ пирнинг назари. Фавкулотда таъсир кучига эга бўлган нарсалар. Мажозий маънода: ажойиб нарса, ноёб, нодир нарса, ғиллу-ғаштдан ариган, покиза.

Навоий асарлари лугати - Тошкент - Гофур Фулом - 1972.

2. Иксир ёки ал-иксир - арабча, русча номи - эликсир, ликёр, философский камень, алхимия.

М.А.Фаффаров. Персидско - Русский словарь. Москва - Наука - 1976.

3. Иксир - кимё маъносида.

Фиёс ул-лугат - Бомбай - 1323.

Нодир ҳикоятлар китобидан қисқача маълумотлар

Бу мухлис банда ва садоқатли ходим Аҳмад ибн Умар ибн Али ан-Низомий ас-Самарқандий қирқ беш йилдирки, мазкур хонадоннинг хизмати ва давлатининг бандалиги рўйхатидадир. У подшонинг олий мажлисига донолик қонунига мувофиқ бўлган ва аниқ ҳужжатлар ҳамда равшан исботлар билан безатилган бир тухфа тақдим қилишни ихтиёр этдики, бу тухфа ичида подшоликнинг ўзи нима, подшонинг ўзи ким, бу улуғ даража қаёқдан келган, бу лутфу марҳаматни қай йўсинда қабул қилиш лозимлиги тўлиқ баён қилинур...

Фасл. Ёритгичларнинг кучи унсур (элемент)ларга таъсир қилган ва мазкур мавҳум нуқтадан қайтган пайтда ҳаво ва олов ёрдамида ер ва сув ичидан қуйидаги жонсиз табиат пайдо бўлди: тоғлар, конлар, булут, қор, момақалдирик, чакмоқ, учар юлдузлар, думли юлдузлар, метеорлар, ҳассасимон кометалар, ой хирмони (қўрғони), аланга, вулқонлар, зилзила ҳамда турли булоқлар. Чунончи булар «Осори улвий» («Осмон жисмларининг таъсирлари»)да етарли даражада тушунтириб ўтилган. Бу мўъжаз китобда уларни баён қилиш ва тушунтириш имконига эга эмасмиз. Орадан узоқ даврлар ўтиб, фалакнинг айланиши ҳам бир текислик касб этгач, қуйи оламнинг табиати ҳам камолга етиб, фаолият навбати сув билан ҳаво орасидаги тешикка (бўшлиққа) етди ва ўсимликлар олами вужудга келди. Шундан сўнг ўсимликларни пайдо қилган жавҳар (моҳият)га... (тангри) тўртта ходим ҳамда учта қувват ато қилди. Бу тўрт ходимдан биринчиси шундайки, у ўзига мувофиқ бўлган ҳар қандай нарсани тортади. Шунинг учун уни «жозиб» («тортувчи») дейишади. Иккинчиси шундайки, у «жозиб» тортган ҳар бир нарсани сақлаб туради. Шунинг учун уни «мосика» («сақловчи») дейишади. Учинчиси шундайки, тортилган нарсани ҳазм қилади, ўзига ўхшамагунча унинг ҳолатини ўзгартираверади. Шунинг учун уни «ҳозима» («ҳазм қилувчи») дейишади. Тўртинчиси шундайки, у ҳар қандай номувофиқ нарсани йўқотади. Шунинг учун уни «дофиъ» («йўқотувчи») дейишади.

Айтилган учта қувватдан биринчиси шундайки, бу қувват ўсимликни кучайтиради, яъни овқатни мутаносиб ва бир меъёردа тақсимлаб туради.

Иккинчи қувват шундайки, у овқатни ҳамма томонларнинг охиригача етаклаб олиб боради.

Учинчи қувват шундайки, ўсимлик камолга етиб, йўқолиш сари юз қўймоқчи бўлганда, бу қувват пайдо бўлади ва уруғ ҳосил қилади. Ҳар вақт бу ўсимлик оламдан йўқоладиган бўлса, олам юзидаги тартиб издан чиқиб, навлар йўқ бўлиб кетмаслиги учун, унинг ўрнига ўринбосар пайдо қилади. Бу қувватни «муваллида» («туғдирувчи») қувват деб аташади.

Демак, бу олам бир қанча томонлари билан эслатиб ўтилган жонсиз оламдан ўсиб чиқади.

Шундай қилиб, жонсиз оламдаги биринчи нарса бўлган лой тараққий қилиб бориб, мукамаллашиб, жонсиз оламнинг охириги нарсасига айланди ва ўсимликлар оламининг аввалги нарсасига яқин бўлган буссад, яъни маржон даражасига етди.

Ўсимлик оламининг биринчи нарсаси хор (тикон) бўлса, охиригиси хурмо ва тоқдир. Уларни ҳайвонот оламига ўхшатишадикки, униси эркакдек, ҳомила (мева) қилдиришни хоҳлайди, буниси эса душманидан қочади, ток новдалари одатда чирмовгулдан қочади. Чирмовгул шундай гиёҳки, у ток новдаларига ўралиб олса, уни қуришиб қўяди. Шунинг учун ток ундан қочади.

Демак, ўсимликлар оламида ток ва хурмодан азизроқ ҳеч қандай ўсимлик йўқ...

Фасл. Бу олам камолга етиб, юқори олам оталарининг асари қуйи олам оналарга таъсир қилиб, фаолият навбати ҳаво билан олов орасидаги бўшлиққа етгач, латиф болалар, яъни ҳайвонот олами пайдо бўлди. У ўсимликлар олами эга бўлган қувватларни ўзи билан бирга олиб келиб, устига яна икки қувват ҳам қўшилди. Бири англаш қуввати бўлиб, уни «мудрика» («идрок») деб аташади. Ҳайвон нарсаларни у орқали идрок қилади. Иккинчиси - ҳаракатлантирувчи қувват бўлиб, бу қувват ёрдами билан ҳайвон ҳаракат қилади, ёқимли нарсаларга яқинлашиб, ёқимсиз нарсалардан узоқлашади. Уни «муҳаррика» («ҳаракатлантирувчи») қувват дейишади.

Идрок қилиш қуввати ўнта шохобчага бўлинади. Улардан бештасини ташқи сезгилар, қолган бештасини ички сезгилар дейилади. Ташқи сезгилар, чунончи, бадан билан сезиш (туйиш), таъм билиш, кўриш, эшитиш ва хид билиш сезгилари.

Бадан билан сезиш қуввати шундай қувватки, у ҳайвоннинг териси ва гўштидан ўрин олган бўлади. Бирор нарса унга тегса, асаблар уни дарҳол сезади. Яна у қуруқлик, хўллик, иссиқлик, совуқлик, қаттиқлик, юмшоқлик, ғадир-будирлик ва силлиқликни ҳам фарқлаб беради.

Таъм билиш қуввати шундай қувватки, у тил устида жойлашган асаблардан ўрин олган бўлиб, чайнаб, эзилиб, ўзига тегадиган нарсалар орқали аниқлайди. Ширин, тахир, аччиқ, нордон ва бошқа нарсаларнинг мазасини бир-биридан фарқлаб беради.

Эшитиш қуввати шундай қувватки, у қулоқ пардасида тарқалган асаблардан ўрин олган бўлиб, «мутақорийайн», яъни икки нарсанинг бир-бирига урилиб сиқилишидан ҳосил бўлган ҳаво тўлқинлари туфайли юз берувчи товушларни пайқайди. Икки нарсанинг ўзаро тўқнашувидан ҳаво тебранади ва товуш ҳосил бўлади. Ҳаво (қулоқ) пардаси бўшлиғида турган ҳавони қулоқ пардасига тегизади, асаб билан учрашиб, натижада эшитиш юз беради.

Кўриш қуввати шундай қувватки, у ковак асабда жойлашган бўлиб, музсимон суяқлик ва акс эттирувчи жисм оралиғида жойлашган шишасимон жисм туфайли кўз гавҳарида акс этадиган турли шакл ва жисмлар суратини қабул этади.

Ҳид билиш қуввати шундай қувватки, миянинг олдинги қисмида аёллар кўкрагининг учига ўхшаган ўсиб чиққан дўнгликда жойлашган бўлади. У шамол ҳайдаб юривчи буғларга аралашган ҳолда ўзига етувчи ҳар қандай хидли ёки чириган жисмнинг хидини ўрнаштириб олган бадбўй ҳавони сезади.

Фасл. Ички сезгиларга келсак, баъзиларнинг фикрича, сезилган нарсанинг шакли идрок қилинади. Бошқаларнинг фикрига қараганда, ҳис этилган нарсанинг маъноси идрок қилинади.

Биринчиси - муштарак сезги. У шундай қувватки, миянинг аввалги қоринчасида жойлашган бўлиб, ўз борлиғи билан ташқи сезгилар қабул қилиб олган ва юбориш учун маҳкам ўрнаштириб олган барча турдаги суратларни қабул қилиб олади. Ҳис этилган нарса у қабул қилиб олгандагина сезилган ҳисобланади.

Иккинчиси - хаёл. У шундай қувватки, миянинг олдинги қоринчаси охирида жойлашган бўлиб, муштарак сезги ташқи сезгилардан қабул қилиб олган нарсаларни ушлаб туради ва сезилаётган нарсалар ғойиб бўлгунча унда сақланиб туради.

Учинчиси - мутахаййила (тасаввур) қуввати. Агар уни ҳайвонга нисбатан айтилса, «мутахаййила» (тасаввур) дейилади, инсонга нисбатан айтилса, «мутафаккира» («фикрлаш») дейилади. У шундай қувватки, миянинг ўрта қоринчасида жойлашган бўлиб, унинг вазифаси хаёлда бўлган майда қисмларни тафаккур ихтиёри билан бир-бирига қўшади ёки бир-биридан ажратиб беради.

Тўртинчиси - «ваҳм» («гумон, тасаввур») қуввати. Бу шундай қувватки, миянинг ўрта қоринчаси охирида жойлашган бўлиб, унинг вазифаси қисман сезилган нарсалар замиридаги сезилмай қолган маъноларни пайқашдир. Чунончи, эчки боласининг ўз онаси билан бўри онасини фарқлаши ёки ёш боланинг ола-була арқон билан илонни фарқлаши каби.

Бешинчиси - хотира қуввати, уни эсда сақлаш қуввати ҳам дейишади. Бу шундай қувватки, миянинг охириги қоринчасида жойлашган бўлиб, «ваҳм» қуввати сезилмай қолган маънолардан ниманики топган бўлса, шу қувват сақлаб туради. Унинг «ваҳм» қувватига бўлган муносабати хаёл қувватининг муштарак қувватга бўлган муносабати кабидир. Аммо унис шаклни сақласа, буниси маънони сақлайди.

Буларнинг ҳаммаси тирик жоннинг ходимлари бўлиб, у шундай бир жавҳар (модда субстанция)ки, манбаи юракнинг ўзидир. Агар у юракда ҳаракат қилса, ҳайвоний руҳ дейишади; милда (қон томирларида) ҳаракат қилса, нафсоний руҳ дейишади; жигарда ҳаракат қилса, табиий руҳ дейишади. Улар нозик руҳ бўлиб, қондан юзага келади ва қизил қон томирларининг олис-олис нуқталарига етиб боради. Англаш ва ҳаракатлантирувчи ҳамда улардан ажралиб чиқадиган ўша ўнта шохобчаларга эга бўлган ҳар қандай ҳайвон тугал ҳайвон деб аталади. Шулардан нимаки кам бўлса, у ноқисдир. Масалан, чумолига ўхшаганким, унинг кўзи бўлмайди ёхуд илонким, унинг қулоғи бўлмайди, шунинг учун уни «кар илон» дейишади. Аммо ҳеч нарса «харротин» (чувалчанг)дан ноқисроқ бўлмайдики, у бир қизил курт бўлиб, лойда яшайди. Уни «гилхўра» - «лойхўр» деб аташади. Мовароунаҳрда эса «хоккирма» - «ер курти» дейишади. Ҳайвонларнинг биринчиси - у, сўнггиси эса наснос. Наснос шундай ҳайвонки, Туркистоннинг чўлу биёбонларида учрайди. Қомати тик, қадди алифдек, тирноқлари энли бўлади. Одамни жуда яхши кўради, қайси жойда одамни кўрса, йўлига чиқиб, уни кузатиб туради. Агар ёлғиз одамни кўрса, олиб қочади. Айтишларича, у одамдан бўйида бўлар экан. Демак, у инсондан кейин ҳайвонлар ичида азизроғи бўлиб, бир неча томони билан одамга ўхшаб кетади: биринчи - қоматини тиклиги билан, иккинчи - тирноғининг энлилиги билан, учинчи - бошидаги сочлари билан.

1984-йили Мирзачўлдаги А.С.Абдалин номидаги №9^А совхозида Ер тузиш ишлари муҳандиси бўлиб ишлаётган пайтимда, совхозда барча турдаги экинлардан мўл-кўл ҳосил етиштирилган эди. Август ойининг охирларида етиштирилган пахта ҳосилини аниқлаш мақсадида, мустақил равишда, тахминий чамалаш (-опробация) ўтказиб, олинган маълумотларимни далилий-таҳлилий ҳисоботларини тайёрлаган эдим. Далилий-таҳлилий ҳисоботларим натижасида совхоз давлатга пахта ҳосили топшириш планларини умуман бажара олмаслиги олдиндан менга маълум бўлиб қолган эди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни планлаштиришнинг амалдаги қонун-қоидаларига асосан ҳар қандай турдаги қишлоқ хўжалиги ташкилотида охирги уч йилда етиштирилган ҳосил кўрсаткичларини жамлаб, учга тақсимланган пайтида ҳосил бўлган рақамлари жорий йил учун план кўрсаткичлари бўлиши керак. Ана шунинг учун совхозда 1981-1982-1983-йиллари амалда етиштирилган пахта ҳосили миқдорини жамлаб, учга тақсимлаган пайтимда ҳосил бўлган рақамлар билан совхозга юқоридан белгилаб берилган давлатга пахта ҳосили топшириш плани кўрсаткичлари ўртасида жуда катта фарқ борлигини аниқлаган эдим. Ана шу жуда катта фарқ - асоссиз, амалдаги қонунларга хилоф равишда, нотўғри, кўшиб ёзилган план кўрсаткичлари эканлигини аниқлаган эдим. Ўзим ишлаган маҳсус жадвалларда акс этирилган далиллар инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат эди. Ўзим мустақил равишда тайёрлаган далилий-таҳлилий ҳисоботларим билан Мирзачўлни ўзлаштириш Бош бошқармаси Планлаштириш бўлимининг бошлиғига ва Оқолтин райони Агропроми Планлаштириш бўлимининг бошлиқларига мурожаат қилиб, совхознинг давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари топшириш планига асоссиз, амалдаги қонунларга хилоф равишда кўшиб берилган, нотўғри, ортиқча план кўрсаткичларини ҳисоботлардан чиқариб, қонуний, адолатли ва тўғри план кўрсаткичларини қайта ёзиб беришларини қатъий талаб қилган эдим.

Мирзачўлни ўзлаштириш Бош бошқармаси ва Оқолтин райони Агропромининг Планлаштириш бўлимлари мен ёзган совхоз кўрсаткичлари ўрнига ўзларининг кўрсаткичларини ёзиб, Сирдарё областининг Планлаштириш бошқармасига мурожаат қилиб, асоссиз, амалдаги қонунларга хилоф равишда кўшиб ёзилган, нотўғри, ортиқча план кўрсаткичларини ҳисоботлардан чиқариб, қонуний, адолатли ва тўғри план кўрсаткичларини қайта ёзиб беришларини қатъий талаб қилган эди.

Сирдарё областининг Планлаштириш Бош бошқармаси Мирзачўлни ўзлаштириш Бош бошқармаси ва Оқолтин райони Агропромининг Планлаштириш бўлимлари кўрсаткичлари ўрнига ўзларининг кўрсаткичларини ёзиб, ЎзССР Госпланига мурожаат қилиб, асоссиз, амалдаги қонунларга хилоф равишда кўшиб ёзилган, нотўғри, ортиқча план кўрсаткичларини ҳисоботлардан чиқариб, қонуний, адолатли ва тўғри план кўрсаткичларини қайта ёзиб беришларини қатъий талаб қилган эди.

ЎзССР Госплани Сирдарё области кўрсаткичлари ўрнига ЎзССР кўрсаткичларини ёзиб, СССР Госпланига мурожаат қилиб, асоссиз, амалдаги қонунларга хилоф равишда кўшиб ёзилган, нотўғри, ортиқча план кўрсаткичларини ҳисоботлардан чиқариб, қонуний, адолатли ва тўғри план кўрсаткичларини қайта ёзиб беришларини қатъий талаб қилган эди.

Ана шунинг учун 1985-йили ЎзССР ва СССРда барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича давлат план кўрсаткичлари кескин камайтирилган эди. Ўзбекистон халқи давлат планидан ортиқча топширган маҳсулотлари учун тўланадиган қўшимча ҳақ ва давлат планларини бажарганлиги учун тўланадиган мукофот пуллари ҳисобидан жуда кўп миллиардлаб сўм миқдорида молиявий ва моддий манфаатдорликка эга бўлган эди (ўша пайтда бир АҚШ доллари 78 тийин эди).

1986-йилининг бошларида КПСС МК Ўрта Осиё региони МКнинг Бош Котиби Плетнев мени Мирзачўлдан Тошкентга, ўзининг қабулхонасига чақиртириб, мен мустақил равишда яна қандай илмий-амалий фаолиятлар билан шуғулланаётганлигимни сўраб-суриштирган эди.

Ана шундан кейин, КПСС МКнинг 3 нафар давлат ваколатига эга бўлган шахсларидан иборат махсус давлат комиссияси Москвадан Тошкентга келиб, 3 ойдан кўп вақт мобайнида, куну-тун тинимсиз менинг мустақил равишда шуғулланаётган фаолиятларимнинг моҳиятларини ва амалий аҳамиятларини менинг ўзимдан сўраб, мени СССР Қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг Ўрта Осиё филиали (Ш.А.Акмалхонов) га, ЎзССР Фанлар академияси (Ж.А.Мусаев)га, жуда кўп илмий текшириш муассасаларига юборишган эди. Махсус давлат комиссиясининг топшириқларига асосан мен илмий текшириш муассасаларининг маъсулларига ўзим мустақил равишда шуғулланаётган илмий-амалий фаолиятларимнинг натижалари тўғрисида ахборотлар берган эдим.

Махсус давлат комиссиясининг аъзолари илмий текшириш муассасаларига мен қандай ахборотлар берганлигимни мендан сўрашган, илмий текшириш муассасаларининг мутасаддиларидан мен мустақил равишда шуғулланаётган соҳалар бўйича улар қандай илмий-амалий натижаларга эга эканликларини сўраб-суриштирган эди.

Барча илмий текшириш муассасалари мен мустақил равишда шуғулланаётган соҳалардаги замонавий илм-фанларда ҳеч қандай илмий-амалий натижалар, ҳатто ҳеч қандай назарий илмий ғоялари ҳам йўқ эканлигини тўлиқ эътироф этишган эди...

1986-йили КПСС МКнинг ваколатли мутасадди шахслари томонидан мен ЎзССР, СССР, Умумжаҳон социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқаро ташкилотларида маъсул раҳбар шахс лавозимида ишлашим кераклиги тўғрисидаги барча таклифларини рад этиб, илмий-тадқиқот фаолиятларимни мустақил равишда давом эттирган эдим.

Мен жуда кўп маротаба ўлиб-қайта тирилганлигим учун ўзимни-ўзим даволаш мақсадида дин ва тиб илмларини, замонавий медицина ва фармацевтика илм-фанларини мустақил равишда ўқиб, ўрганганман.

Бутун умрим мобайнида, Раббим-Оллоҳнинг амри ва отажонимнинг даъвати билан Қуръони Карим оятлари, Ҳадиси Шариф ривоятлари, Дин Илми, Тиб Илми, Илми Кимё, Илми Симё, Илми Румё, Илми Ладун, Илми Раббонийларни тинимсиз равишда пинхона ўқиб, замонавий илм-фанларни тинимсиз равишда ошқора ўқиб, илмий тадқиқот фаолиятларим билан ўз ҳисобимдан мустақил равишда, яширин тарзда, бу дунёдаги барча глобал муаммоларининг моҳиятларини аниқлаш, барча турдаги глобал муаммоларни ижобий ҳал этиб берадиган илмий ечимларини қидириб топиш, барча турдаги глобал муаммоларини ижобий ҳал этиб берадиган янги муқобил инновацион технологияларини яратиш, умуминсониятни янги илмий тараққиёт даври босқичига олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган барча илмий изланиш ва илмий текшириш фаолиятлари билан ўз ҳисобимдан мустақил равишда шуғулланганман.

8-синфда ўқишни битириб, 9-синфга ўтган пайтимда, таътил пайтида, мен Жек Лондоннинг Мартин Иден романини ўқиган эдим. Мартин Иденнинг содда ва тўпори бир матросликдан бу дунёнинг энг буюк даҳоларидан бирига айланишидаги яшаш тарзи менинг қалбимга ҳеч қачон ўчмайдиган жуда улкан гулхан бўлиб кўчган эди. Мен ҳам худди Мартин Иден каби куну тун

тинимсиз ўқийдиган, куну тун тинимсиз ишлайдиган, куну тун тинимсиз илмий изланишдан ҳеч чарчамайдиган бўлиб қолган эдим. Ўзимга-ўзим шафқатсизу ўзгаларга шафқатли бўлиб қолган эдим. Мен ўзим аслида билвосита тупроқ жинсларидан пайдо бўлганлигим, борлиқ вужудим ҳам билвосита тупроқ жинсларидан иборат эканлиги, ўлганимдан кейин жасадим яна қайта тупроқ жинсларига айланиб кетиши аниқ эканлиги тўғрисида куну тун тинимсиз тафаккур қиладиган бўлиб қолган эдим. Қон, жон, рух, имонларнинг моҳиятлари тўғрисида чексиз-чегарасиз ўйлаган пайтларимда миям портлаб кетадигандек, жоним танамдан чиқиб кетадигандек бўлар эди. Ўлик ерларни жойининг ўзида дархол қайта тирилтириб бера оладиган дори воситаларимни ярата олишим учун менга Ўзи ёрдам беришини илтижо қилавериб, ўлган жамики борлиқни жойининг ўзида дархол қайта тирилтириб бера оладиган Ўзининг Оби Кавсардаги сир-асрорларининг моҳиятлари тўғрисида куну тун тинимсиз ўйлайвериб, Ўзининг Илми Раббонийсига ошиқ бўлиб, жунуну телба бўлиб қолганман.

Институт ва университетларда ўқишни тугатган пайтимда, танишларим ўқишга олиб, кайтариб бермаган китоблардан ташқари уйимизда бир неча юзлаб-минглаб китобларим бор эди. Мен ана шу, барча китобларни ўқиб чиққан эдим.

1989-йили ишлаб чиқаришдаги фаолиятларимдан ажралмаган ҳолатимда табиблик ва доришунослик фаолиятларимни бошлаган эдим.

1990-йили Тошкент Медицина институтининг Умумий медицина асослари курсида ўқиганман.

1990-йилидан бошлаб СССР Экстрасенслар уюшмасининг Абу Али ибн Сино номидаги Халқ табобати марказида Халқ табиби бўлиб ишлашни бошлаганман.

СССР Экстрасенслар уюшмаси вице-президентлигига, СССР Халқ табобати давлат кўмитасининг Бош котиблигига сайланганман.

2009 - йилидан буён Европа медицина фанлари доктори ва Европа табиий фанлар академиясининг академигиман.

2012 - йилидан буён Турон фанлар академиясининг академигиман.

1993-йили мен бир ўзим ўз ҳисобимдан мустақил равишда яратган фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларимни қонуний асосда, ваколатли давлат экспертлари билан Ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида, ҳар томонлама тўлиқ илмий текшириш экспертизаларидан ўтказиш мақсадида Лукмони Ҳаким номидаги хусусий илмий ишлаб чиқариш кичик корхонасини очиб, юридик шахс мақоматига эга бўлганман.

2000-йили аниқ мақсадларимни амалга ошириш учун, мустақил равишда ўзим яратган дори воситаларимни Ўзбекистон Республикасининг Дори воситалари тўғрисидаги қонунларига мувофиқ тарзда, стандарт ҳолатида ишлаб чиқариш усуллариини ўзлаштириш, клиник илмий синов олди фармакологик илмий текшириш экспертизаларидан ўтказиш, клиник илмий синов экспертизаларидан ўтказиш, дори воситаларини Давлат Реестри рўйхатига киритиш, дори воситаларимни ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятларимни амалга ошириш учун Махсус Лицензия олиш, маҳсулотларимга Махсус Сертификат олиш ваколатларига эга бўлиш мақсадида G`ULOM MADAMINBEK номидаги хусусий корхонамни очган эдим.

1997-2009 - йиллари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1997-йилдаги №07/105-400.15.07 Топшириқномаси ва Ўзбекистон Республикасининг Дори воситалари тўғрисидаги қонунларига асосан, Ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Геология ва Минерал ресурслар давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Россия Федерацияси Фанлар академияси, Россия Федерацияси Ҳарбий медицина фанлари академияси... да, фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларининг одамзот, ҳайвонот, наботат, тупроқ, сувлар-ҳаволарга таъсири, шифобахшлик ва ҳаётбахшлик самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида, халқаро стандарт тестларида, муаллифнинг шахсий сармоялари ҳисобидан, ваколатли давлат экспертлари томонидан жуда кўп йиллар мобайнида, жуда кўп маротаба кимёвий, биокимёвий, физикавий, биофизикавий, агрокимёвий, гидрокимёвий, микробиологик, цитологик, гистологик, марфологик, генетик, соматик, радиологик, вирусологик, эпидемиологик, гепатологик, кардиологик, онкологик, эндокринологик, иммунологик, кимёвий токсикологик, фармакотоксикологик, фармакотерапевтик... илмий текшириш экспертизалари ва клиник илмий синов экспертизалари ўтказилган.

IX – ФАСЛ

Ўтмишим ва ҳозирги пайтдаги ҳолатим тўғрисида қисқача маълумотлар

**Менинг қадримни халқ билса бўлди,
Халқ билмаса, балиқ билса бўлди,
Балиқ билмаса, Ҳалифа билса бўлди,
Ҳалифа билмаса, Ҳолиқ билса бўлди.**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлати ва Ҳукумати бошлиқларининг эътиборларига сазовар бўлганлигим тўғрисида қисқача маълумотлар.

1996-йилининг 15-октябр куни Ўзбекистон Республикасининг президенти И.А.Каримовга мен ўзимнинг давлат аҳамиятига ва халқаро ташкилотлар эътиборига молик бўлган янги кашфиётларим тўғрисида Маълумотнома топширган эдим.

1996-йили 16-ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Х.Жўрабеков бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, вазирнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, илмий текшириш институтларининг директорлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вазирнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, илмий текшириш институтларининг директорлари, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Патент идораси раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, илмий текшириш институтларининг директорларидан иборат бўлган махсус давлат комиссиясининг аъзолари менинг янги кашфиётларимни бевосита ўз кўзлари билан кўриш учун Луқмони Ҳаким номидаги хусусий илмий ишлаб чиқариш кичик корхонамга ташриф буюришган эди.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг академик О.К.Ланге номидаги „Гидроингео“ институти мажлислар залида, махсус кўргазмага қўйилган, бу дунёда бирон-бир турдаги ўхшаши, ўриндоши, тенги, рақобатдоши бўлмаган, жуда кўплаб турдаги, мутлақо янги туркумдаги маҳсулотларим мисолида мен уларга:

Жуда кучли даражада шўрланган, қаттиқ, заҳарли шўр сувларнинг заҳарли тузларини жойининг ўзида дарҳол бутунлай йўқ қилиб, фойдали таркиботларини ақл бовар қилмас даражада кўпайтириб, заҳарли қаттиқ шўр сувларни жойининг ўзида дарҳол юмшоқ, шифобахш ва ҳаётбахш фойдали чучук ичимлик сувларига айлантириб бериш усулларим;

Тупроғи жуда кучли даражада шўрланган ерлардаги заҳарли тузларини жойининг ўзида дарҳол бутунлай йўқ қилиб, тупроғи жуда кучли даражада шўрланган ерларни жойининг ўзида дарҳол тупроғи мутлақо шўрланмаган ерларга айлантириб, тупроқ таркибидаги гумуслари, макро ва микро унсурларини ақл бовар қилмайдиган даражада кўпайтириб, тупроқ унумдорлиги энг паст даражада бўлган ерларни жойининг ўзида дарҳол тупроқ унумдорлиги энг юқори даражада бўлган ерларга айлантириш усулларим;

Экинларни суғориш сувларини жуда кўп баробарларда иқтисод қилиш усулларим;

Экинлар ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулот миқдорини фоизларда эмас, бир неча баробар миқдорида кўпайтириш усулларим;

Кумни жойининг ўзида дарҳол энг унумдор тупроқларга айлантириш усулларим;

Кумнинг сувни ўзида тутиб тура олиш қувватини ақл бовар қилмайдиган даражада кучайтириб, қумлик ерларга экилган экинларни суғориш сувларини ақл бовар қилмайдиган даражада иқтисод қилиб бериш усулларим;

Тоғ-тошларини ош қилиб, сут оқсилларига айлантириб бериш усулларим;

Қора металлларни совуқ ҳолатида эритиб, сувдек суюлтириб, хлорофил, гемоглобин, кон-жон, куч-қувватга айлантириш усулларим;

Одамзот, ҳайвонат, наботат, тупроқ, сув-ҳаволарда мавжуд бўлган ҳар қандай турдаги касалликлар ва ноқисликларни ўзи қидириб топадиган, барча оламларда мавжуд бўлган ҳар қандай турдаги касалликларни жуда юқори даражада самарали даволаш усулларим тўғрисида кўргазмали семинар усулидаги тақдимотимни ўтказган эдим.

Кўргазмали семинар сўнггида Ўзбекистон Республикаси Патент идорасининг раҳбари О.А.Ақиллов: - Исмоил Ҳакимович, шахсан сизнинг топшириғингиз асосида биз бу дунёнинг барча

давлатларида сўраб-суриштиришлар ўтказдик. Бу кўрғазмада намойиш этилаётган маҳсулотларга ўхшаш маҳсулот тугул, бирон-бир турдаги назарий-илмий ғоялар ҳам йўқ экан, - деган эди.

Исмоил Ҳакимович: - Агар бу кўрғазмали семинарда намойиш этилган янгиликларнинг бир фоизи амалда ўз самарасини берса ҳам, Ўзбекистон бутунлай бошқача, жуда машхур, жуда обрўли, жуда бой ва жуда қудратли давлатга айланади. Агар бу янгиликлар ростдан ҳам шундай самарали эканлигини ваколатли давлат экспертлари ҳам тасдиқлайдиган бўлса, бу одамга тириклик пайтидаёқ бор бўйи-бастичалик миқдорда соф олтиндан ҳайкал ўрнаттираман! - деган эди.

2. Давлат вакиллик органлари менинг илмий-амалий фаолиятларимни давлат томонидан амалда қўллаб-қувватлашларига ишонган эдим.

1996-йили 16-ноябрь куни давлат вакилларига илмий-амалий фаолиятларимнинг натижалари тўғрисида илмий-далилий тақдимот-кўрғазмали семинар ўтказганимдан кейин, мен тақдимот-кўрғазмага келган Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг раиси П.Қ.Ҳабибуллаевга мурожаат қилган эдим:

- Устоз, фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларининг дастурига юклатилган дарди-бедаво онкологик касалликларини пайдо қиладиган, ўта хавфли радиоактив нурларни зарарсизлантириши самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш учун авария ҳолати содир бўлган Чернобиль атом электр станцияси ҳудудидаги радиоактив нурлар билан жуда кучли даражада зарарланган тупроқ намуналаридан махсус контейнерларда юртимизга олиб келинишида, ана шу тупроқ намуналарида, Ўзбекистон Республикаси Ядро физикаси илмий-тадқиқот институти лабораториясида, ваколатли давлат экспертлари томонидан фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларининг ўта хавфли радиоактив нурларни зарарсизлантириб бериши - радиотроплиги хоссалари самарадорлиги кўрсаткичларини аниқланишида, давлат ваколатига эга бўлган шахс сифатида Сиз менга амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламан, - деган эдим.

Пўлат Қирғизбоевич: - Сиз қатъий тақиқланган ҳудудларга махсус рухсатномасиз, ноқонуний равишда кириб кетибсиз! Маълумотингиз бўйича ихтисослигингиз олим-агроном, юрист, шифокор бўлсангиз, радиоактив нурланишлар соҳасида яна қандай кашфиётларингиз бор? - деб сўраган эди.

Мен: - Ўрта таълим мактабларида ўқиб юрган пайтларимда Фридрих Энгельснинг „Табиат диалектикаси“ китобини ўқиган эдим. Ундан куёшдан келаётган нурлар узун тўлқинли, ўртача тўлқинли, қисқа тўлқинли нурларга тасниф қилинишини, ана шу нурларнинг ердаги табиатга таъсирининг моҳияти ва аҳамиятини билиб олган эдим. Кимё фанидан ерда радиоактив моддалар бор эканлигини, улар ўзидан радиоактив нурлар чиқаришини билиб олган эдим. Астрономия фанидан ер атмосферасини азон қатлами қошлаб туришини, ана шу қатлам куёшдан келаётган зарарли радиоактив нурларни тутиб қолишини, ер табиатини радиоактив нурлардан ҳимоя қилиб туришини билган эдим. Онкология фанидан дарди-бедаво онкологик касалликлар радиоактив нурлар таъсирида пайдо бўлишини билганимдан кейин радиоактив нурларни зарарсизлантириб берадиган, радиотроп воситаларни яратиш учун мустақил равишда илмий изланиш фаолиятларим бошланиб кетган эди. Сиз Андижон Пахтачилик институтининг ректори бўлган пайтингизда мен ана шу институтнинг Агрономия факультетининг талабаси эдим. Сиз ядро физикасининг оптикаси соҳасида, халқаро миқёсда жуда йирик олим эканлигингизни эшитган эдим. Мен Сизга ҳавас қилар эдим. Мен ҳам Сиз каби жаҳоншумул олим бўлишни орзу қилар эдим. Бу менга жуда кучли илҳом бахш этар эди. Менинг хаёлимда Сиз доимо менинг илмий раҳбарим бўлгансиз, мен доимо Сизнинг илмий шогирдингиз бўлганман, устоз! - деган эдим.

П.Қ.Ҳабибуллаев: - Сиз ўзингиз яратган дориларингиздаги радиотропик хоссаларини қандай қилиб бўлса ҳам текшириб кўрганмисиз? - деб, сўраган эди.

Мен: - Ҳа. Мен ўсимликларда синаб кўрганман. Аммо менинг текшириш усулларимнинг моҳиятини ҳозирги пайтда ҳеч ким тушунмайди, ҳеч ким ва ҳеч қачон давлат даражасида, халқаро миқёсда жиддий қабул қилмайди. Менинг муаммоларим, кулфатим, қисматим, тақдирим ана шундай чигал масалага айланиб қолди. Менинг имкониятларим чекланган. Сиз давлат мақомига эга бўлган, ваколати, имтиёзи, имконияти чекланмаган юридик шахсиз. Устоз, илтимос, Сиз ўз ваколатингиз доирасида менга амалий ёрдам беринг, - деган эдим.

П.Қ.Ҳабибуллаев: - Сиз талаб қиладиган масаланинг ечими нафақат давлатлараро, балки, жуда нуфузли халқаро ташкилотлар миқёсида ҳал этиладиган, жуда мураккаб, жуда катта халқаро

кучларни жалб этадиган, жуда кўп маблағ сарфладиган, жуда қийин ишлар. Мен ҳозир Сизга ҳеч қандай ваъда бера олмайман. Сиз барча соҳалардаги замонавий илм-фанлардан жуда олдинга ўтиб, олисларга кетиб қолибсиз. Сиз давлатдан ва ҳукуматдан ҳеч қандай молиявий ва моддий ёрдам олмасдан, хорижий ҳамда маҳаллий ҳомийлардан ҳам бир тийин пул олмай, давлат грантларини ҳам олмасдан бу дунёдаги қанчадан-қанча академиялар, илмий тадқиқот институтлари, халқаро илмий бирлашмалар ҳам уддалай олмаётган жаҳоншумул улкан ишларни ўз ҳисобингиздан мустақил равишда, бир ўзингиз уддалаганлигингизга қойилман. Сиз барча соҳаларни ва илм-фанларни жуда яхши биладиган қомусий билимларга эга эканлигингизни бугун жуда қойилмақом қилиб, ҳимоя қила олдингиз. Шунчалик катта интелектга эга эканлигингизни одамзот ўз ақлига сиғдира олмайди. Сиз нафақат Ўзбекистонни, балки бутун жаҳонни тубдан ўзгартириб юбора оладиган салоҳиятга эга экансиз. Мен сизга ассистент ҳам бўла олмас эканман, - деган эди.

Мен ўша пайтда дилимдаги: “Устоз, мен нурлар тўғрисида ўйлайвериб-ўйлайвериб-ўйлайвериб, неча маротаба ўлиб, қайта тирилганман. Жасадим бу дунёда, руҳим у дунёда, бу дунёдан топа олмаган билимларимни Илми Кимё, Илми Симё, Илми Румиё, Илми Ладун, Илми Раббонийларни у дунёда ўқиб, билганман. У дунёда олган билимларимни айтиб, ҳеч қачон тугата олмайман. Айтсам, айтганларимни эшитишга ва тушунишга ҳеч қимнинг тоқати етмайди. У дунёда олган билимларимни ёзиб, ҳеч қачон тугата олмайман. Ёза олсам, ёзганларимни ўқишга ва уқишга ҳеч қимнинг бардоши етмайди”, деб айта олмаган эдим.

Ана ўша пайтда мен П.Қ.Ҳабибуллаевга жуда кўп маротаба кўнғироқ қилиб, бирон маротаба ҳам у киши билан телефон орқали боғлана олмаганман. Қабулхонасига жуда кўп маротаба бориб, бирон маротаба ҳам қабулига кира олмаган эдим...

3. Халқаро Аэрокосмонавтика ассоциациясининг таклифларини ҳам қабул қилмаган эдим.

Давлат вакилларига илмий-амалий фаолиятларимнинг натижалари тўғрисида илмий далилий тақдимот - кўргазмали семинар ўтказганимдан кейин, кўп вақт ўтмасидан Халқаро Аэрокосмонавтика ассоциациясининг президенти Олег Леонидович Черво менинг ҳузуримга келиб, фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларининг космонавтика соҳасида қўлланилишининг имкониятлари ва истиқболларини тушунтириб беришимни илтимос қилган эди.

Мен: - Қуёшдан келаётган, дарди-бедаво онкологик касалликларни пайдо қиладиган радиоактив нурларни ер орбитасидаги азон қатлами тутиб туради. Космонавтлар азон қатлампидан юқорига учган пайтида куёшдан келаётган радиоактив нурлар космонавтларнинг соғлиги ва ҳаёти учун хатарли таъсир этади. Агар космонавтлар космосга учишдан олдин фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларини радиоактив нурланишга қарши радиотроп профилактика дори воситаси сифатида ерда ва космосда ҳам қабул қилишса, космонавтлар космосдан ортга қайтганларидан кейин, космонавтларни ерга кўникмаларини қайта тиклаш - реабилитация илмий марказида ҳам қабул қилишса мақсадга мувофиқ бўлади. Фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситалари одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, тупроқ, сувларда кислород ва азон ҳосил қилади. Ана шунинг учун у ўта ҳалокатли радиоактив нурларни зарарсизлантиради, ҳар қандай турдаги онкологик ўсимта касалликларига шифо бўлади, пуштни кўпайтиради, умрни узайтиради, - деган эдим.

О.Л.Черво: - Фулом Мадаминвич, Сизни алдаб бўлмаслигини биз аллақачон тушунганмиз. Биз Сизнинг препаратингизни ўз имкониятларимиз даражасида текшириб кўрдик. Ростдан ҳам жуда ақлли препарат. Бизнинг Халқаро Аэрокосмонавтика ассоциациямиздаги космонавтларнинг космосга кўникмаларини кучайтириш, космосдан қайтганларнинг ерга кўникмаларини кучайтириш реабилитация илмий-тадқиқотлар марказимизда 120 нафардан кўп халқаро миқёсдаги эксперт-академиклар ишлайди. Улар уддалай олмаётган бизнинг муаммоларимизни Сиз бир ўзингиз қойилмақом қилиб бажариб қўйибсиз! Мен ваколатли шахс сифатида Сизни Халқаро Аэрокосмонавтика ассоциациясида ишлашга таклиф этгани келдим, - деган эди.

Мен: - Олег Леонидович, Сизларнинг менинг фаолиятимга қизиқишларингиз, мени Халқаро Аэрокосмонавтика ассоциациясида ишлашга таклиф этаётганингиздан мен бағоят хурсандман. Аммо, мен Сизларнинг таклифларингизни қабул қила олмайман. Чунки бу жойда фақат мен бир ўзим бажаришим шарт бўлган жуда кўп ишларим бор. Шунинг учун Сиздан узр сўрайман, - деган эдим.

О.Л.Черво: - Ғулом Мадаминович, иттифоқчи давлатлар бизга чекланмаган миқдорда молиявий маблағлар ажратишади. Бизга барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилади. Сизга қанча пул керак бўлса, сўзсиз берилади. Сиз нимани хоҳласангиз, биз Сизнинг ҳамма хоҳиш-истакларингизни сўзсиз бажарамиз. Сиз бизда ишласангиз, бу жойда ҳеч қачон қила олмайдиган барча ишларингизни бизда осонгина бажара оласиз. Менинг таклифларимни рад этманг. Мен бу жойга ўзимнинг хоҳишим билан келганим йўқ. Мен бу жойга айтган гаплари муҳокама қилинмайдиган, айтганлари сўзсиз бажариладиган давлат бошлиқларининг топшириқлари билан, уларнинг ишончли вакили сифатида келганман. Куч ва зўрлик ишлатишга мени мажбур этманг, - деган эди.

Мен: - Олег Леонидович, фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситалари жуда кўп биокomпьютерлар тизимидан иборат. Масалан:

- 1 - биокomпьютер озуқа муҳити рН-ни автоматик тарзда созлаб туради;
- 2 - биокomпьютер ҳаво ва қон босимини автоматик тарзда созлаб туради;
- 3 - биокomпьютер ҳаво ва тана ҳароратини автоматик тарзда созлаб туради;
- 4 - биокomпьютер ёруғлик нури тўлқинларини автоматик тарзда созлаб туради;
- 5 - биокomпьютер электромагнит тўлқинларини автоматик тарзда созлаб туради;
- 6 - биокomпьютер биоэлектр ток майдони фаоллигини автоматик тарзда созлаб туради;
- 7 - биокomпьютер биофаол моддалар кутбланишини ва моддалар алмашилиб туриши жараёнларини автоматик тарзда созлаб туради;
- 8 - биокomпьютер аминокислоталар синтезини автоматик тарзда созлаб туради;
- 9 - биокomпьютер оқсиллар синтези жараёнларини автоматик тарзда созлаб туради;
- 10 - биокomпьютер қон синтезланиши жараёнларини автоматик тарзда бошқариб туради;
- 11 - биокomпьютер ўлган ҳужайра, ўлган тўқима, ўлган аъзолар ўрнига янги ҳужайралар, янги тўқималар, янги аъзолар синтезланишини автоматик тарзда созлаб туради;
- 12 - биокomпьютер ақлий, жисмоний, жинсий, руҳий қувватлар қайта тикланишини автоматик тарзда кучайтириб турадиган... стандартларда дастурланган.

Бошқа жойда, бошқа муҳитда, бошқа шароитда тайёрланса, фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситалари умуман ишламайди. Бошқача жойда, бошқача муҳитда, бошқача шароитда ишлаши учун фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларини ўша жойга, ўша муҳитга, ўша шароитга мос қилиб, қайта стандартлашим керак бўлади. Қайта стандартлашим учун менинг умрим ҳам, кучим ҳам, тоқатим ҳам етмайди. Мени куч билан, зўрлик билан олиб кетсангиз, мен бошқа жойда Сизларга фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларини ишлаб чиқариб, Сизларга етказиб бера олмайман. Кейин нима бўлади? Кейин мени ўлдирасизлар. Мени ўлдирсанглар, Сизларга қандай манфаат бўлади? - деган эдим.

О.Л.Черво: - Таклифим ўз кучида қолади. Мен Сиз билан бўлган мулоқотларимиз тафсилотини тегишли жойга етказаман. Сиз билан менинг тақдиримиз энди уларнинг ҳукмида. Сиз ўзингизда бор бўлган барча препаратларингизни менга беринг. Пулини тўлаб, ўзим билан олиб кетаман, - деб ўзимдаги барча фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларимни олиб кетган эди.

Халқаро Аэрокосмонавтика ассоциациясининг президенти Олег Леонидович Черво иккинчи маротаба менинг хузурига келиб менга: - Ғулом Мадаминович, Реабилитация илмий-тадқиқотлар марказимиздаги 120 нафардан кўп халқаро миқёсдаги эксперт-академикларнинг ҳар бири ўз командалари билан ва барчалари бирлашиб, 5 йил мобайнида фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларининг аналогини - ўриндошини яратишга, фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларини чиппақка чиқаришга ҳаракат қилиб, куну тун тинимсиз ишладик. Ўзингиз тушунтирган 12 та блокдан биттасига допуск - йўл очиб олсак, бошқа барча блоklarга кира олиш имкониятига эга бўламиз деб, турли-туман вариантларни қўллаб кўрдик. Фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларига нур таъсир этирилса, худди бомбаларни портлатадиган детанатор ишга тушганидек ишга тушиб кетади. Уни на тўхтатиб бўлади, на асл ҳолатига қайтариб бўлади. Электромагнит тўлқинлари таъсир этирилса ҳам детанатор каби ишга тушиб кетади. Уни на тўхтатиб бўлади, на асл ҳолатига қайтариб бўлади. Электр токи таъсир этирилса ҳам иссиқлик ёки совуқлик таъсир этирилса ҳам яна, ана шу аҳвол. 5 йил мобайнида қанчадан-қанча миллиардлаб АҚШ доллари миқдорда пул сарфладик. Аммо ҳеч

қандай натижа ололмадик. Ўтган сафар келганимда мен Сизга айтган таклифим ўз кучида қолади, - деган эдим. Хулласи калом, Сиз хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам бу сафар мен билан бирга кетасиз. Сиз Халқаро Аэрокосмонавтика илмий-тадқиқотлар марказидаги Реабилитация илмий-тадқиқотлар марказининг директори бўлиб ишлайсиз. Қўл остингизда халқаро экспертлар даражасидаги 120 нафардан кўп академиклар бўлади. Уларнинг ҳаммаси Сизга ассистентлик қилади, Сизга ёрдамчи бўлади. Сиз ўзингизнинг препаратларингизни бизнинг шароитимизга мос стандартларини яратасиз. Сиз ҳеч қачон, ҳеч кимни алдамаслигингизни, ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигингизни, қўрқадиган ишлар қилмаслигингизни, ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан қўрқмаслигингизни, мунофиқ ва бахилларни ёмон кўришингизни, қалбингизу кўлингиз очик эканлигини, хайру садақа ва эҳсонлар қилишни жуда яхши кўришингизни, бева-бечораларга доимо ёрдам беришингизни, ҳеч кимга ҳеч қандай зарар етказмаслигингизни, ҳаммага фақат яхшилик қилишингизни, ҳеч қачон ҳеч кимдан мурувват кутмаслигингизни, доимо элим-юртим деб, куйиб-ёниб юришингизни, менинг интеллектуал мулкларим юртимнинг миллий бойлиги деб, ғурурланиб юришингизни,... ҳамма-ҳаммасини биз жуда яхши биламиз. Шу пайтгача элингиз-юртингиз Сизга нима берди? Бизда ишласангиз мультимиллиардер бўласиз. Барча айтганларингиз муҳайё бўлади. Шоҳона ҳаёт кечирасиз. Жуда кўп имкониятларга эга бўласиз. Ана шунда элингизга ҳам, юртингизга ҳам ўзингиз хоҳлаганингизча фойда келтирасиз. Ҳеч ким билмайдиган шунча билимларни биладиган одамга шу оддий ҳақиқатни тушуниш шунчалик қийин масалами? Тўғриси, мен бу сафар Сизни ё кўндираман ёки ўлдираман, деб келдим, - деган эди.

Мен: - Олег Леонидович, мен ўлимимни танладим. Мен ҳам одамман. Менинг ҳам орзу-хавасларим бор. На илож, агар менинг жоним сизнинг кўлингизда бўлса, жонимни ола қолинг. Мен бир ўзим бу дунёдаги барча глобал муаммоларнинг ечимини топаман, бу дунёдаги барча халқлар ҳаётини фаровон қиламан, - деб яшадим. Ҳозирда мен шуғулланаётган ишларим умуминсоният тақдири учун ўта зарур. Қилаётган ишларим мен учун ҳар қандай мансаб ёки ҳар қанча бойликдан устун. Шунинг учун ўзингизни ҳам, мени ҳам қийнамасдан мени ўлдириб кета қолинг! - деган эдим...

Халқаро Аэрокосмонавтика ассоциациясининг президенти О.Л.Черво 3-маротаба менинг ҳузуримга жуда хурсанд кайфиятда келиб, менга: - Ғулом Мадаминович, биз Сизнинг шарофатингиз билан очик космосда узоқ вақт мобайнида ишлаш бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатдик. Биз очик космосда узоқ вақт мобайнида ишлаш бўйича жаҳон чемпиони бўлдик. Космонавтларимиз космосдан ерга қайтганларидан кейин реабилитация илмий-тадқиқотлар марказидаги 120 нафардан кўп халқаро миқёсдаги академиклар космонавтларнинг соғлиғи ва ҳаётини фаоллик кўрсаткичларини монитор орқали кузатиб туришди. Кутилмаган бир пайтда космонавтларнинг ҳужайралари сара бодрок шишаётгандек шиша бошлади. Бундан ҳаммамиз таҳликага тушиб қолдик. Гўё космонавтларнинг ҳужайралари портлаб кетадигандек эди. Нима қилиш кераклигини ҳеч ким билмайди. Реабилитация илмий-тадқиқотлар марказининг директори космонавтларнинг бор-йўғи икки соат умри қолганлигини эълон қилганда биз даҳшатдан додлаб юбордик. Мен ўзимга-ўзим, фақат: Нега?! Нега?! Нега?! - дея бошимга ура бошладим. Бирданига миям ёришиб кетгандек бўлди. Реабилитация илмий-тадқиқотлар марказининг директори: - Ҳечдан кўра кеч! Кейин армон бўлмасин! Космонавтларга тез Эликсир беринглар! - деб бақирдим. Ҳамма жим. Сукунат. Ҳамма мониторларга, космонавтлардаги ўзгаришларга тикилган. Гапиришга ҳеч ким журъат қила олмайди. Сониялар соатлардек, дақиқалар кунлардек ўтарди. Хуллас, Эликсир дори воситаси ичирилганидан икки соат вақт ўтгач космонавтларнинг ҳужайралари олдингидек соппа-соғ ҳолатга қайтди. Одатда космосдан ерга тушган космонавтлар Реабилитация марказида икки ҳафта бўлиши керак бўлса, бизнинг чемпионларимиз у ердан 10 кунда соппа-соғ бўлиб чиқишди! Мана, очик космосда узоқ муддат давомида ишлаш бўйича жаҳон рекордчилари! Мана, очик космосда узоқ муддат давомида ишлаш бўйича жаҳон чемпионлари! - дея менга бир портретни тутқазган эди. Портретда уч нафар космонавтларнинг бахтиёр чехралари акс этганди. Портрет остига „Ғулом Джонга!“ дея зарҳал ҳарфларда Халқаро Аэрокосмонавтика ассоциацияси директорлари кенгашининг раиси, СССР қаҳрамони, СССР Космонавт учувчиси Савальевнинг миннатдорлиги ёзилган автографи бор экан. Ана шу портретнинг нусхалари ҳозир офисимда ҳам, уйимда ҳам турибди. Ана шу портретлар бўлмаганида, О.Л.Червонинг визит карточкаси ҳамон ўзимда турмаганида бу баён қилинган далилларни ёза олмас эдим...

4. Бир йиллик фаолиятларим учун юз миллиард АҚШ доллари миқдорида пул беришларини ваъда қилишган пайтларида ҳам мен чет элларга чиқиб кетмаган эдим.

Ўзбекистон Республикаси Давлатининг махсус комиссияси аъзоларига янги кашфиётларим тўғрисида тақдимот-кўргазмали семинар ўтказганимдан кейин кўп вақт ўтмасдан К.М. билан бирга араб давлатларидан бирининг шахзодаси С. замонавий европача кийимларда менинг Лукмони Ҳаким номидаги хусусий илмий-ишлаб чиқариш кичик корхонамга кириб келишган эди.

Шахзода С.: - Мен Москвадаги медицина институтида ўқиб, олий маълумотли врач бўлганман. Москвада аспирантурада ўқиб, медицина фанлари номзоди бўлдим. Ленинградда докторантурада ўқиб, медицина фанлари доктори бўлдим. Шунинг учун ҳам рус тилида равон гаплаша оламан. Химия, биология ва медицина фанларини жуда яхши биламан. Бизнинг араб мамлакатларимиздаги ерларимизнинг аксарият қисми қум-сахролардан иборат. Иқлимимиз жуда иссиқ ва қуруқ. Қумлик ерларга экилган қишлоқ хўжалик экинларимизни ва манзарали экинларимизни томчилатиб суғориш усулларида бир кун суғорилмаса ҳам қуриб қолади. Қум сувни ва сувда эриган ўғитларни ўзида узок вақт тутиб тура олмайди. Қанча миқдорда бўлса ҳам экинларни суғорадиган сувлар ва унда эриган ўғитлар бир зумда қум остига чўкиб- сингиб, йўқ бўлиб кетаверади. Бизнинг нефть, табиий газ, электр энергияси, пул таъминоти масалаларида ҳеч қандай муаммоларимиз йўқ. Бизда нефть ва табиий газ захираларимиз жуда кўп. Бизда фақат ичимлик суви ва экинларни суғоришга яроқли чучук сув жуда кам. Деярли йўқ ҳисоби. Шунинг учун ичимлик суви ва экинларни суғоришга яроқли бўлган чучук сув таъминоти масалалари бизнинг энг катта глобал муаммоимиз. Бизнинг мамлакатимизда бир литр ичимлик суви бензиннинг бир литрига нисбатан жуда кўп баробар қиммат туради. Сиз қумларни жойининг ўзида дарҳол энг унумдор тупроққа айлантириб бера оладиган, қумлик ерларга экилган экинларни суғориш сувларини жуда кўп баробар миқдорида иқтисод қилиб бера оладиган дори воситаларини кашф этганлигинизни эшитиб, ростини айтсам бунга ишонмасдан, Сиз кашф этган янги инновацион технологияларни ўз кўзларим билан кўриш учун бу ерга келдим. Сиз ана шу янги инновацион технологияларингизни менга амалда кўрсатиб бера оласизми? - деган эди.

Мен битта бир литр баклашкадаги фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларини шахзода С.га кўрсатиб:

- Мана, ана шу, сиз эшитган FM ал-иксир тарёқ дори воситаси, - деган эдим.

Шахзода С: - FM ал-иксир тарёқ дори воситаси, деб айтаётганингизнинг рус тилидаги маъноси: Философский камень, Эликсир жизни, Панацея, Гомеопатический лекарственный средствами? - деган эди.

Мен: - Ҳа, худди ана шундай, - деган эдим.

Ана шундан кейин ичида фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситалари бор бўлган баклашканинг қопқоғини очиб, битта қўлимдаги кафтимни чуқурча қилиб олган ҳолатимда кафтимдаги чуқурчасини фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаси билан тўлдириб, ичиб юборган эдим. Сўнг фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларидан яна кафтимга қуйиб, иккала кафтимнинг олди-орқасига, биалақларимга суртиб, уни мутлақо хавфсиз-зарарсиз эканлигини шахзодага кўрсатган эдим. Сўнг битта столнинг устига 2 та бир литр ҳажмдаги оппоқ шиша банкаларни қўйиб, шиша банкалар ёнига битта қопчадаги қурилишларда ишлатиладиган қум наъмуналарини қўйган эдим. 200 мл ҳажмли стаканни қум билан тўлдириб, ҳар бир шиша банканинг ичига 200 мл миқдорида қум наъмуналаридан солиб, битта шиша банка ичидаги қум устига 200 мл миқдорида ичимлик суви қуйган эдим. Қумнинг устига сув қуйилган пайтида айтишга арзийдиган бирон-бир турдаги ғайритабиий ўзгариш содир бўлмаслиги аниқ эканлигини шахзода С.га кўрсатиб, амалда исботлаб берган эдим. Ана шундан сўнг, 200 мл ҳажмли стаканга фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларидан тўлатиб, қуйиб, иккинчи шиша банка ичидаги қумнинг устига фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларидан оз-оздан, аста-секин, тўхтатмай, узлуксиз равишда қуйган эдим.

Иккинчи шиша банка ичидаги қумнинг устига фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларини қуя бошлаган пайтимнинг ўзидаёқ, шиша банка ичидаги қум шиддатли равишда жуда тез қўпираётганлигини - қайнаётганлигини ўз кўзи билан кўрган шахзода С:

- Субҳаноллоҳ! Субҳаноллоҳ! Субҳаноллоҳ!... Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ!... Ла илаҳа иллоллоҳ! Ла илаҳа иллоллоҳ! Ла илаҳа иллоллоҳ! Муҳаммадур Расулуллоҳ!... - деб, хаяжонланиб, кўзлари катта-катта бўлиб кетган эди.

Шахзода С. менга: - Энди бу кумда қандай ўзгаришлар бўлади? - деган эди.

Мен: - ичимлик суви ва фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситалари қуйилган мана шу иккита шиша банкаларни +50°C ҳароратдаги битта ойнаванд термостат ичига ёнма-ён қилиб, қўйиб қўйилса, ичимлик суви қуйилган шиша банка ичидаги кум жуда қисқа вақт мобайнида яна қайта куп-қуруқ бўлиб қолади. Ичимлик суви қуйилган шиша банка ичидаги кум куп-қуруқ бўлиб қолган пайтида, яна ва яна 200 мл миқдорида сув қуйишни давом эттирилса, фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситалари қуйилган шиша банка ичидаги кум устига ҳеч нарса қуйилмаса, ойнаванд термостат ичида турган, 10 маротаба, 200 мл x 10 = 2000 мл ичимлик суви қуйилганидан кейин ҳам, ичимлик суви қуйилган банка ичидаги кум яна қайта куп-қуруқ бўлиб қолган пайтида, фақат бир маротаба фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситалари қуйилган шиша банка ичидаги кум жуда серсув лой ҳолатида тураверади. Мана бу, Петри чашкасидаги кум устига ичимлик суви қуйилган. Ичимлик суви қуйилган Петри чашкасидаги кум яна қайта куп-қуруқ бўлиб қолган. Петри чашкасини ҳавода тўнкарилса, ичидаги кумнинг ҳаммаси ерга тўкилиб-сочишиб кетади. Мана бу Петри чашкаси ичидаги кум устига фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситалари қуйилганлиги учун кум энг унумдор тупроққа айланиб, сирти қатқалоқ бўлиб, қотиб қолган. Бу чашкани мана бундай қилиб, ҳавода тўнкарилса ундан ҳеч нарса тўкилиб, ерга тушмайди. Худди шунингдек, эликсир туфайли энг унумдор тупроққа айланиб қолган кум энди шамолда тўзиб учмайдиган, сувда оқмайдиган, кўчиб юрмайдиган бўлиб қолади. Мана шу сирти қатқалоқ бўлиб, қотиб қолган кумтупроқ устига сув пуркалса, шу заҳоти кумтупроқнинг сирти яна юмшоқ бўлиб қолади. Қуриб қолса, сирти яна қатқалоқ бўлиб, қотиб қолаверади. Мана шу илмий текшириш тажрибалари ўтказилган кум наъмуналари Язёвон чўлидан олиб келинган сарсонқум наъмуналаридир. Язёвон чўлида, шамолда учиб, сувда оқиб, кўчиб юрадиган сарсонқум барханлари жуда кўп эди. Баҳор фаслида Қўқон шамоли кучайиб, тез-тез кум бўронлари такрорланиб турарди. Оқибатда эндигина униб чиққан ғўза майсаларини кум бўронларида учиб келган қумлар босиб қоларди. Ана шундай ерларга қайта-қайта чигит экишга мажбур бўлардик. Мен Язёвон чўлида ишлаб юрган пайтларимда, сарсонқумларни қандай қилиб, шамолда учмайдиган қилиш, уларни жойининг ўзида дарҳол энг унумдор тупроқларга айлантириш мумкинлиги тўғрисида куну тун тинимсиз бош қотирар эдим.

Мен 1974-1979 йиллари фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларининг зиммасига сарсонқумларни шамолда учмайдиган қилиш, уларни жойининг ўзида дарҳол энг унумдор тупроққа айлантириб бериш дастурларимни юклаган эдим.

Фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситалари хоҳ у қуриб қолган Орол денгизи ўрнида пайдо бўлган, хоҳ Саҳрои Кабирдаги, хоҳ Хитойдаги, хоҳ АҚШдаги, хоҳ араб мамлакатларидаги сарсонқумлар бўлсин барчасига, турли даражада шўрланган ва унумдорлигини йўқотган тупроқларга ҳам мана шундай таъсир қиладиган қилиб дастурланган, - деган эдим.

Шахзода С.: - Мен араб мамлакатларидаги, экин экиладиган, сувни ва сувда эриган ўғитларни ўзида узоқ вақт мобайнида тутиб тура олмайдиган, сувга қондириб бўлмайдиган кум намуналарини шу ерга олиб келсам, ана шу қумларда ҳам мана шундай кўргазмали илмий текшириш тажрибалари ўтказиб бера оласизми? - деган эди.

Мен: - Ҳа, албатта, - деган эдим.

Ана шундан кейин, бир ҳафта вақт ўтар-ўтмас шахзода С. араб мамлакатларининг 6 та вилоятларидаги кум наъмуналарини олиб келган эди. Мен унинг кўз ўнгида, у олиб келган кум наъмуналарида ҳам илмий-текшириш тажрибаларини ўтказган эдим. Натижалари кутилганидан ҳам самаралироқ бўлган эди.

Мен: - Барча араб мамлакатларидаги кумли ерларга экилган экинларни томчилатиб суғоришга мўлжалланган сувларга оз-оздан фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситалари қўшиб суғорилса, фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситалари кумларни сув ва сувда эриган ўғитларини ўзида узоқ вақт мобайнида тутиб тура оладиган энг унумдор тупроққа айлантириб, сувни жуда кўп боробар миқдорида иқтисод қилиб, қумларга экилган экинлар хосилдорлигини жойининг ўзида дарҳол бир неча баробарларда кўпайтириб беради, - деган эдим.

Шахзода С.: - Мен бу ерда ўз кўзим билан кўрган инновацион технологиялар тўғрисида бир неча араб давлатларининг нуфузли бошлиқларига хабар етказган эдим. Уларнинг бу янгиликка қизиқишларининг чек-чегараси йўқ. Сиз бизнинг мамлакатимизга бориб, барча араб давлатларининг бошлиқларига шу жойдагидек кўргазмали семинар ўтказиб бера оласизми? - деган эди.

Мен: - Афсуски, йўқ. Агар, мен сизларнинг мамлакатингизга борсам, мени зўрлик билан ўша жойда олиб қолишади. Мен ҳозирги пайтда фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларимнинг зиммасига янги-янги дастурларимни юклаш билан шуғулланмоқдаман. Мен у жойда фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларини ўша шароит ва муҳитга мос стандартларини қайта ишлаш учун кучим, тоқатим, умрим ҳам етмайди - деган эдим. Ана шундан сўнг, К.М. менга: - Мен сизнинг ассистентингиз сифатида бориб, ўша жойда мана шундай кўргазмали семинар ўтказиб келсам майлими? - деган эди. Мен рози бўлган эдим. Ана шундан кейин шаҳзода С. билан К.М.лар араб мамлакатларига самолётда бирга учиб кетишган эди. Улар жуда кўп вақт мобайнида дом-дараксиз, йўқ бўлиб кетишганидан сўнг яна олдимга қайтиб келишган эди.

К.М.: - Улар бутун дунёдаги кўзга кўринган, энг кучли билимга эга бўлган барча химик, агрохимик, тупроқшунос, биохимик ва кимётехнология соҳаларидаги олимларни йиғиб, фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларининг ўриндошларини - аналогларини яратиш бўйича конкурс ўтказишди. Қайси гуруҳ фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларининг аналогини ярата олишса, уларнинг гуруҳига миллиард-миллиардлаб АҚШ доллари миқдорида пул беришларини ваъда қилишди. Аммо ҳеч қайси гуруҳ фазли илоҳий G`M ELIKSIR маҳаллий универсал дори воситаларининг аналогини ярата олмади... - деган эди.

Шаҳзода С.: - Сиз бизнинг мамлакатимизга бориб, мана шу дори воситаларини ишлаб чиқаришни амалга оширсангиз, барча араб давлатларининг бошлиқлари сизнинг ҳар бир йиллик фаолиятингиз учун бошланғич аукцион нархда 100 миллиард АҚШ \$ ҳисобида пул тўлашга ваъда беришди... - деган эди.

Мен эса дилимда: „Мен ўзимнинг интеллектуаль мулкларимни ҳеч қачон чет элга сотмайман. Мен ҳеч қачон чет элларга сотилмайман. Менинг интеллектуаль мулкларим Ўзбекистоннинг миллий бойлиги бўлишини хоҳлайман. Мен кутаётган адолатли замонлар ҳам келади, Иншооллоҳ“ - деган эдим.

Тилимда эса: - Менинг барча ишларим чала. Ана шу чала ишларимни битирганимдан кейин, ўзим Сизларга хабар бераман, - деган эдим...

Араб мамлакатларининг 6 та вилоятидан олиб келинган қум намуналари ҳозирги пайтда ҳам уйимда сақланади.

5. Мен Россия Давлати ва Хукуматининг таклифларини қабул қилмаган эдим.

2008-йили, Россия Федерацияси Хукуматининг таклифига асосан, мен 3 кунлик ташриф билан, бутун дунё аҳолисига витаминлар етказиб берадиган, бутун дунёга машхур бўлган, Алтайвитамин заводида бўлган эдим.

Алтайвитамин заводининг ўзи жуда кенг худудни эгаллаган саноат шаҳарчаси экан. Заводда минг-минглаб ишчи хизматчилар фаолият юритар экан. Завод худудида трамвайлар қатнови йўлга қўйилган экан. Ишчи хизматчилар ишга келган пайтларида, ишдан қайтаётган пайтларида, сменалар алмашинаётган пайтларида, трамвайлар ишчи-хизматчиларни керакли манзилларга етказиб қўяр экан. Завод худудида бир неча мехмонхоналар, ошхоналар, маданий-маиший, кўнгилочар, дам олиш масканлари бор экан.

Ўзининг наشريёти, тайёр махсулотларни қадоқлаш воситалари ишлаб чиқариш корхоналари, омборхоналари, хом ашёларни қайта ишлаш корхоналари, турли-туман витаминлар ишлаб чиқариш корхоналари, ... бир худудда жойлашган жуда йирик ишлаб чиқариш мажмуаси экан.

Заводга қарашли минг-минглаб гектар табиий ўрмонзорлар, минг-минглаб гектар табиий ўтлоқлар, минг-минглаб гектар майдонларни эгаллаган сув ховзаларида хом ашёлар етиштириладиган Давлат қўриқхоналари... бор экан.

Алтайвитамин заводи Алтай ўлкасида, Бийский шаҳарида, Бийский дарёсининг қирғоғида, жуда зах жойда жойлашганлиги учун барча биноларининг деворлари захлаб, деворларининг сирланган шувоқлари кўчиб тушаётган эканлигини;...

Витаминлар ишлаб чиқариш цехида, ҳамир шаклидаги дармон дориларни махсус қолипларда стандарт миқдоридаги жуда майда шарчалар шаклига айлантирилганидан кейин, дармон дориларнинг устига дармон дориларнинг турига мос пигмент (ранг) қўшилган, аввалдан аниқ қилиб тарозида тортиб олинган шакар упаларини сепиб, бир-бирларига ёпишиб қолмаслиги учун шакар упаларига булғаланган дармон дориларни мисдан тайёрланган, доимо айланиб турадиган барабанларнинг ичига солиб, доимо айланиб турадиган барабанлар ичидаги дармондорилар стандарт шаклга ва

стандарт вазнга эга бўлгунигача ишчилар яна, дармон дориларнинг турига мос пигмент қўшилган шакар упаларини сепиб туришлари аниқ эканлигини мен бевосита ўз кўзларим билан кўрган эдим.

Ўша пайтда, мен дилимда, ўзимга-ўзим:

„Дармон дориларни қандай бинода ва қандай ишлаб чиқариш воситаларида ишлаб чиқариш муҳим эмас, муҳими ишлаб чиқарилаётган дармон дориларнинг шифобахшлиги ва ҳаётбахшлигида“ - деган эдим...

Алтайвитамин заводида ташрифимнинг 3-куни, Бийский курортида, Россия Федерацияси Давлати ва Ҳукуматининг 16 нафар ваколатли вакиллари мен билан 4 соатдан кўп вақт мобайнида музокара ўтказишган эди.

Россия Федерацияси Давлати ва Ҳукуматининг ваколатли вакиллари менга:

- Ғулом Мадаминвич! Биз Сизнинг доришунослик ва табобат, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларидаги илмий-амалий фаолиятларингизда эришган тарихий, жаҳоншумул, жуда улкан муваффақиятларингизни жуда яхши биламиз.

Сиз Ўзбекистонда, Россия Федерациясида ва бошқа бир неча мамлакатларда, халқаро стандарт тестларида, ваколатли давлат экспертлари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида, ўзингизнинг ҳисобингиздан мустақил равишда олиб борган барча илмий-амалий фаолиятларингизнинг натижаларини ҳам биз жуда яхши биламиз.

